

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
Кукон Давлат педагогика институти

Фалсафа кафедраси доценти Х.Сапохоновнинг
«ЭТИКА» фанидан марузалар матни

Кукон 2004

1-мавзу. Этика фан сифатида.

Режа:

1. Этика фанининг бахс юритувчи мавзулари.
2. Этиканинг ижтимоий фанлар тизимида тутган урни.
3. Этика фанининг мақсад ва вазифалари.

Таянч тушунчалар: Ахлоқ назарияси, норма ва тамойиллар, ижтимоий бурч, турмуш тарзи, урф – одатлар, ёзилган ва ёзилмаган қонунлар, ахлоқий гоё, ахлоқий ҳақиқат, ахлоқий ҳаётда объективлик ва субъективлик, ахлоқнинг ижтимоий характери.

Этика – бу ахлоқ назарияси бўлиб, кишиларнинг ахлоқий ҳаётини урганадиган, ахлоқий ҳодисаларнинг узига ҳос хусусиятлари ва ривожланиш қонуниятларини очиқ бериб бериб беридиган энг қадимги инсоншунослик фанларидан биридир.

Этика ахлоқ тугрисидаги бир бутун илмий таълимотдир. У уз предметини ижтимоий муносабатлар билан чамбарчас алоқадорликда тадқиқ этади. Чунки буюқ мутафаккир Аристотель (Шарқда Арасту номи билан машҳур бўлган) айтганидек, инсон ижтимоий муносабатларнинг мажмуидир. Унинг яшаш тарзида, жамиятга муносабатларида шундай қонунлар ҳукмронлик қиладики, биз бу қонунларни икки гуруҳга бўлиб урганамиз. Булар ёзилган ва ёзилмаган қонунлар.

Табиатдаги мавжудодлар орасида инсонни энг қучли, энг ақлли ҳамда энг ёвуз ва мақкор мавжудот деб асослашимиз мумкин. Агар инсондаги туйғулар ва ҳислар тугри тарбияланган бўлса, «ҳазрати инсон» деб, нотугри тарбияланган бўлса «шайтони лаъин» деб атаймиз. Бунда инсон яшаб улгайган ижтимоий муҳит муҳим роль уйнайди. Демак, жамиятда инсонлар бир – бирини буридек гажиб ташламасликлари учун, бир – бирининг инсоний кадр – қимматларини оёқ ости қилмасликлари

учун муайян конунларга амал килиб яшашга мажбурдирлар. Ёзилган конунлар инсонлар хатти – харакатларини ва жамиятга булган муносабатларини тартибга солиб туришда мухим ахамият касб этади. Бундай конунлар муайян жамият конституциясида уз ифодасини топади.

Шунингдек, кишилар уртасидаги муносабатларни тартибга солишда шахс билан жамият уртасидаги муносабатларни инсонийлашувида ёзилмаган конунлар ҳам мухим роль уйнайди. Булар урф – одатлар, расм – русумлар, ахлокий норма ва тамойиллар булиб, улар этика фанининг мухим конунлари хисобланади. Куриниб турибдики, биз урганаётган этика фани энг аввало, ахлокнинг ижтимоий мохиятини, кишиларнинг юриш – туришларини, уларнинг жамиятга муносабатини ахлокан тартибга солиш конунларини ва у оркали ижтимоий жараёнларни урганиш билан шугулланади.

Этика – юнонча «поос» сузидан олинган булиб, «одат», «одоб» маъносини билдиради. Ахлок арабча «Хулк» сузининг куплик формасидир. Этика сузини ахлокий маънода биринчи булиб куллаган киши Аристотельдир. Бу терминни кейинчалик катъий маъноли тушунча сифатида илмий муомалага стойклар киритганлар. (Стойклар таълимотининг асосчиси Зенондир. Эрамиздан аввлги асрда пайдо булган. Уларнинг тушунчасида ахлок оламий космик конуннинг таркибий кисмидир. Улар этикасининг принциплари зиддиятлидир: акл кучи кукларга кутарилади, шу билан бирга итоаткорликка чакирилади. индивидуализм таргиб килинади).

Ахлок назарияларининг илдизи бенихоя чукур булиб, бизнинг замонамизга кадар канчадан – канча тарихан чекланган ахлокий карашлар пайдо булиб уларнинг купи йуколиб кетган. Якинга кадар этика фалсафанинг таркибий кисми булиб, унинг ядроси хисобланган. Файласуфлар инсон дунёни билиш мумкинми, билишнинг йуллари кандай каби саволларга жавоб бериш жараёнида улар, жамиятда инсон кандай яшамоги ва фаолияти кандай булмоги керак, унинг ижтимоий бурчи,

вазифаси нимадан иборат?, инсоний турмуш кечиришнинг нормалари кандай булиши керак? деган саволларга ҳам жавоб топишга уринганлар ва бу сохада катта муваффакиятга эришганлар.

Дархакикат, фалсафий тафаккур тарихига назар ташласак, этика фани фалсафанинг бирданига нисбатан мустакил соҳасига айланиб қолмаганлигига гувоҳ буламиз. Агар конкрет фанлар фалсафадан ажралиб чиқиб, узининг мустакил мантикига ва яшаш усулларига эга бўлган бўлса, этика бўлса мустакил фан сифатида ажралгани билан узининг фалсафий хусусиятини йукотмади. Бунинг сабаби, фалсафий муаммоларни этика фанидан ажратиб қуйишнинг имконияти йук эканлигидадир. Охир оқибат, этика фалсафа фани билан ҳам дунёкараш, ҳам методологик жиҳатдан чамбарчас боғлиқ бўлиб қолаверади. Хусусан, ижтимоий турмуш ва ахлокий онгнинг узаро муносабати тугрисидаги масалада этика ҳамиша фалсафий фан бўлиб қолди.

Бундан ташқари ҳаётнинг маъноси масаласи, идеал ва воқелик, ахлокий ҳаётда объективлик ва субъективликнинг узаро муносабати сингари масалаларни аниқ белгилаш ҳам фалсафий методлар қулланилишини талаб этади. Аммо этика фалсафа билан чамбарчас боғлиқ булиши билан бирга нисбий мустакилдир. Чунки унинг бир қанча хусусий методлари бевосита философиядан олинмай, балки этиканинг узига хос предмети ва бошқа фанларнинг методларига таяниш билан белгиланади.

Хусусан, этика фани ахлоқ ва ахлокий бойликлар тугрисидаги масалани инсоннинг борлиққа бўлган амалий муносабати билан боғлади, иккинчи томондан эса, у уз қарашлари марказига мавҳум одамни эмас, балки муайян даврда, маълум бир жамиятда яшайдиган, у ёки бу ижтимоий гуруҳнинг вакили бўлган тарихий субъектни, яъни маълум бир ахлоқ эгаси бўлган конкрет – тарихий ижтимоий одамни қуяди.

Шунингдек, ахлокий масалаларга изчил ёндашиш натижасида утмиш ахлокий назариялари ҳал қила олмаган ҳодисаларни, хусусан, ахлоқ

шаклларининг тарихан узгарувчанлиги, бир ижтимоий формациянинг узида турлича бир – бирига мутлако зид ахлоқ шаклларининг мавжуд булиши, ахлоқ нормаларининг жамиятдаги ҳуқуқий – маъмурий ва бошқа ижтимоий нормалар билан узаро муносабати кабиларни изохлашга имкон берди.

Хулоса килиб айтсак, этика фани ахлоқни моддий борлик билан, умуман ижтимоий ҳаёт билан узаро алоқаларда, боғланишларда тадқиқ этиб, ахлоқий нормаларни ва тамойилларни илмий асослаб берди.

Этика фани фалсафий фан буганлиги учун ҳам ижтимоий фанлар каторида муҳим урин тутади. Ахлоқий ходисаларни, ахлоқий практикани урганишда этика фанига психология, педагогика, эстетика, тарих, этнография, археология каби фанлар катта ёрдам курсатади.

Психология фани этикавий таҳлил учун одам психикасининг ривожланиши, унинг тафаккури ва онгида содир буладиган жараёнлар ҳақида инсоннинг маънавий сифатлари, характери ҳақида ҳамда инсон фаолиятининг мотивлари тугрисида қимматли маълумотлар беради. Ахлоқий ҳатти – ҳаракат, ақл, ҳис, ирода сингари рухий ходисаларга асосланади. Психология фани уларни урганиб этикавий умумлашмалар учун материал беради. Ахлоқий тарбия вазифаларини ҳал этишда ҳам муҳим роль уйнайди.

Педагогика фани эса, назарий таҳлил ва ахлоқий умумлашмаларни амалга ошириб, этикани ривожлантиришга кенг йул очиб беради. Уз навбатида этика ҳам педагогика учун назарий манба булиб хизмат қилади.

Этика ва эстетика фанларини мустаҳкам алоқадорлиги яхшилик ва нафосатнинг, ахлоқийлик ва гузалликнинг ички бирлигидан келиб чиқади. Аслида ахлоқий жихатдан гузал нарсагина эстетик жихатдан чиройли булади.

Энди этика фани билан Одобнома фанини бир – биридан ажратиш зарур. Агар этика фани ахлоқнинг назарий масалалари билан шугулланса,

Одобнома фани эса унинг амалий масалалари билан шугулланади. Куришиб турибдики, этика назарий фан, Одобнома эса амалий фандир.

Этика фанининг вазифалари булажак педагоглар онгига ахлоқнинг асосий қонуниятларини, принципи ва нормаларини сингдириш ҳамда уларни ахлоқий жихатдан етук инсонлар қилиб тарбиялашдан иборатдир.

Этика фанининг пировард мақсади эса ҳар томонлама етук булган қомил инсонни шакллантиришга қаратилгандир. Қомил инсон туғрисидаги қарашлар бу – ахлоқий идеал бўлиб, у неча асрлар давомида улуг инсонлар тафаккурида яратилгандир. Масалан, Алишер Навоийнинг «Фарход ва Ширин» достонидаги Фарход ва Ширин образи ёки Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романидаги Анвар ва Раъно образлари улуг санъаткорларнинг ахлоқий идеалидир. Авлодларимиз бу асарларни мутаола қилар эканлар, улар ҳам узларида Фарход ва Ширин, Анвар ва Раънога ҳос булган фазилатларни шакллантиришга интиладилар. Демак, ахлоқий идеал – қомил инсон бўлиб, жамиятнинг таълим ва тарбия соҳасидаги ишларининг пировард мақсади бўлиб ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент – 1992 йил.
2. И. Қаримов. Жамиятимиз мафқураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. Тошкент – 1999 йил.
3. И. Қаримов. Тарихий хотирасиз келажак йук. Тошкент – 1990 йил.
4. Ё, Жулибоев. Урта Осиё этикаси тарихи очерклари. Тошкент – 1980 йил.
5. Урта Осиё халқлари хур фикрлиги тарихидан. Тошкент – 1990 йил.
6. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Тошкент – 1999 йил.
7. Ахлоқ – одобга оид ҳадис намуналари. Тошкент – 1990 йил.
8. Этика. Тошкент – 1993 йил.

2-мавзу. Ахлокий тафаккур тараккиётининг асосий боскичлари.

Режа:

1. Антик жамият мутафаккирларининг ахлокий карашлари.
2. Урта Осиёда ахлокий таълимотларнинг ривожланиши.
 - А) ахлокий фикрлар тараккиётида диний билим намоёндаларининг урни ва роли.
 - Б) Дунёвий билим намоёндалари томонидан ахлокий фикрларнинг ривожлантирилиши.

Таянч тушунчалар: Дастлабки ахлокий таълимотлар, дунёвий этикавий таълимот, умумий фазилат, амалий фан, ижтимоий фаолият, хурфикрлилик, Калом фалсафаси, ислом ва тасаввуф, Куръон, имон талаблари, шарият, зарурий ва маън этилган харакатлар, хакикат, тарикат, маърифат.

Ахлокий таълимотлар жамият тараккиётининг илк боскичларида пайдо булган. Бу ибтидоий жамоа тузумининг инкирози ҳамда кулдорлик жамиятининг пайдо булиши билан богликдир.

Ахлок хакида дастлабки таълимотлар уз мазмунига кура икки йуналишда мавжуддир. Биринчи йуналиш асосчилари жамиятнинг юкори табакаси булмиш кохинлардир. Улар ахлокнинг ибтидоси самода, одобсизлик худоларни лозим даражада эъзозламасликдир деб тушунтирганлар. Бундай таълимотлар кадимги Миср, Фаластин, Хиндистон ва Хитойда пайдо булган. Иккинчи йуналишдаги дунёвий этикавий таълимот ахлокнинг негизи тажрибада деб караган. Улар одобли одамнинг энг гузал фазилати муътадиллик деб тушунганлар.

Этикавий таълимотларнинг бирмунча аник формаси Кадимги Греция ва Римда пайдо булган. Шуниси аникки, бу давр мутафаккирлари ҳам

ахлоқ деган тушунчани бевосита ишлатмаган булсаларда, лекин бахтли яшаш учун нимага амал килиш кераклиги хақида куп бошкотирганлар.

Греklar орасида ахлокий масалаларга биринчи булиб кул урган киши буюк философ Демокритдир. У ахлоқни одамнинг уз табиатидан келиб чикиб асослашга харакат килади. Унинг фикрича ақл тугри хатти харакатларга йуналтирмоги лозим, бу эса билимларни доимо мукаммаллаштириб бориш хақида гамхурлик демакдир деб тушунтиради. Сократ эса Демокрит ахлокий таълимотига зид уларок худо яратган умумий фазилатни таргиб этди.

Ахлокий таълимотнинг прогрессив негизини яратган киши бу буюк философ Аристотельдир. У Плотоннинг этикавий карашларига зид уларок этиканинг назарий ва амалий проблемаларини ифодалаб берди. Бу буюк комусий олимнинг ахлокий карашлари «Никомах этикаси», «Сиёсат» асарларида ифодаланган.

Энг аввало Аристотель этикани ахлоқни урганадиган амалий фан, жамият хақидаги фанларнинг бир тури деб карайди. У ахлоқнинг жамият хаётида мухим ахамият касб этишини таъкидлайди. Унинг фикрича ахлокий фазилат Платон айтганидек мангу рухнинг холати була олмайди. Барча ахлокий фазилатлар – адолат, дустлик, мухаббат, мардлик ва хоказолар инсон фаолиятида намоён булди. Ахлокий фазилатлар – фаолият, хатти харакат демакдир.

Инсоннинг ахлокий фазилати факат ижтимоий фаолиятдагини амалга ошади. Шунинг учун барча ахлокий фазилатлар ижтимоий дейди Аристотель.

Шунингдек у тарбиянинг ролига инсонни хиссиётини тарбиялашга катта ахамият берган.

Шундай килиб, кадимги файласуфлар ахлоқни одамнинг бахтга эришиш воситаси деб караганлар. Ахлоқнинг ахамиятини бу кадар бурттиришга сабаб – улар одамнинг ижтимоий табиатини тушуниб етмаганлар. Бу давр мутафаккирлари стихияли материалистлар эдилар.

Шунинг учун ҳам улар ахлокий карашларида ана шу назарияда колдилар. Бундан катъий назар, улар ахлоқнинг реал асосини топишга интиланлар.

Республикамиз уз мустақиллигига эришгандан кейин утмиш маънавий кадриятларига муносабат ҳам тубдан узгарди. Хусусан, Калом философияси тарғиботчилари булган, аслида эса куплаб умуминсоний ахлоқ нормаларини тарғиб қилган А. Яссавий, С. Оллоёр, Ф. Агтор, С. Боқиргоний, М. Газзолий каби Урта Осиёда яшаб ижод этган алломалар маънавий меросини урганишга кенг йул очилди.

Чиндан ҳам ислом ва тасаввуфнинг узига хос прогрессив гоёлари инсониятнинг ижтимоий – фалсафий ҳамда ахлокий тафаккури тараккиётига катта таъсир курсатганлигини ҳеч ким инкор этган эмас.

Юқорида қайд этилган фикрларга таяниб, Урта Осиё халқларининг ахлокий тафаккури тарихида узининг яккол белгилари ва ижтимоий ҳаётга сезиларли таъсир курсатганликлари билан бир – биридан ажраб турадиган учта йирик ахлокий йуналишларни курсатиш мумкин:

1. Ислом ахлоқи.
2. Тасаввуф ахлоқи.
3. Умуминсоний ахлоқ.

Мохияти ва мазмуни бир – бирини тулдириб турадиган ислом ва суфизм ахлоқи билан умуминсоний ахлоқ уртасида куплаб умумийликни ва узига хос зиддиятларни қуриш мумкин.

Хуллас, ислом этикаси ва унга буйсундирилган тасаввуф ахлоқи бирлашиб, 12 аср мобайнида ислом оламида, жумладан, Урта Осиёда XIX -асрнинг охирига қадар ҳукмрон ахлоқ булиб қелди.

Шуни алоҳида уқтириб айтамикки, ислом ахлоқи ислом таълимоти билан чамбарчас боғлиқдир. Ислом ахлоқининг мохиятини билиб олиш учун аввало, ислом таълимотини урганиш зарур булади.

«Ислом» арабча суз булиб, «итоаткорлик» деган маънони билдиради. Унга эътикод килувчиларни эса «мусулмонлар», «муслимлар», «муминлар» дейилади.

Ислом VII аср бошларида Арабистонда феодал муносабатлар эндигина ривожланаётган бир даврда пайдо булди. Унинг асосчиси Мухаммад айхиссаломдир.

Араблар исломни VIII асрнинг бошларида Урта Осиёга олиб келдилар. Ислом араб халифалигида факатгина дин булиб колмай, балки бутун бир ижтимоий – фалсафий хамда ахлокий системани ташкил этувчи етук бир таълимотдир. Бу таълимотда мусулмонларнинг дунёкараши, урф – одатлари, ахлоқ – одоб нормалари хамда хукуклари кенг урин олган. Ислом мафкураси ва ахлокий системаси унинг «Куръон» деб аталмиш мукаддас китобида системали баён килинган.

«Куръон» уругчилик тузумининг куплаб ахлоқ нормаларини инкор килиш, шунингдек, пайдо буладиган янги жамиятнинг ахлокини таргиб килиш билан инсоният ахлокий тараккиётида жуда катта роль уйнади. Бу инкор килинган нормаларга куйидагиларни киритиш мумкин: инсон боласини курбонлик килиш, киз гудакларни тириклайин ерга кумиш, хун олиш, хужанинг кулга, эрнинг хотинга чексиз золимлиги ва хоказо.

«Куръон» арабча «укиш китоби» демакдир. У 114 сура ва 6666 оятдан иборатдир. Хар бир сура бир канча оятлардан тузилгандир. Куръон VII аср охири VIII аср бошларида Мухаммад айхиссалом вафотидан сунг исломшунос Собит ибн Зайд рахбарлигида китоб холига келтирилган. Куръон хар бир мусулмоннинг имонли – эътикодли булишини, уларнинг ислом талабларига катъий риоя килишини такозо этади. Биз бу талабларни иккига булиб урганамиз.

- I. Имон талаблари: Оллохга, унинг фаришталарига, унинг мукаддас китобларига, унинг пайгамбарларига, охират кунига, улгандан кейин тирилишга ва тақдирнинг илохийлигига ишониш.

II. Ислом талаблари: Калимаи шаходатни билишни (имон келтиришни), беш вақт намоз уқишни, бир йилда бир ой руза тутишни, закот беришни ва ниҳоят имконияти бўлса ҳаж қилишни уз ичига олади.

Бундан ташқари шариатда инсоннинг ҳатти – ҳаракатлари 5 гуруҳга бўлиб курсатилган.

1. Зарурий ҳаракатлар.
2. Тавсия этиладиган ҳаракатлар.
3. Рухсат этилган ҳаракатлар.
4. Қораланадиган ҳаракатлар.
5. Маън этилган ҳаракатлар ва бошқалар.

Зарурий ҳаракатларни бажармаган ва маън этилган ҳаракатлардан узини тиймаган кишилар қаттиқ жазоланган.

Хуллас, ислом ахлокий системасида ислом ва имон талаблари ҳамда шариат курсатмалари ҳар бир мусулмоннинг ахлоқ нормасига айлантирилган. Шу билан бирга умуминсоний ахлокий нормалар ҳам ислом этикасида кенг урин олган. Ислом этикаси ахлоқни ва унинг моҳиятини меҳрибон ва қудратли Оллоҳнинг номи билан боғлаб талқин этади.

Ислом ахлоқининг узига ҳос хусусияти шундаки, у кишилардан ахлоқли бўлишни эмас, балки қупроқ гуноҳ содир этмасликни, гуноҳ қилишдан қурқишни тарғиб этади. Аслида, гуноҳ қилмасликнинг замирида киши уз ҳатти – ҳаракатларини, яъни ҳулқини тартибга солиш зарурияти ётади. Уз навбатида ислом этикаси ахлоқсизлик ҳатти – ҳаракатларини шариат нуқтаи назаридан қаттиқ қоралайди.

Агар биз юқоридаги 7 ақида ва 5 та мусулмончилик талабларини умуминсоний ахлоқ нуқтаи назаридан таҳлил этадиган бўлсак, шундай ҳулосага келамиз.

Биринчидан, имоннинг 7 ақидаси ва мусулмончиликнинг 5 талаби исломнинг ибодий томонидир. Бу ақида ва талабларни бажарган

кишиларни ислом «мумин», «мусулмон», яъни ахлокан мукаммал киши деб ҳисоблаган. Демак, бу ақида ва талабларни умуминсоний ахлокка дахли йук деб булмайдди. Чунки мусулмонлар шариат томонидан маън этилган ва кораланган хатти – ҳаракатлардан узини катъий тийганлар.

Колаверса, шариат томонидан беш гуруҳга булинган хатти – ҳаракатлар аслида инсон хулкининг таснифидир. Бу эса умуминсоний ахлокка бевосита дахилдордир.

Куришиб турибдики, шариат талаблари бу айнан ахлоқ талабларидир. Шариат ахлоқий нормалардан ташқари ҳуқуқий талабларни ҳам уз ичига олади.

Умуминсоний ахлоқ нормаларини ислом нуқтаи назаридан янада такомиллаштиришда «Ҳадислар» катта роль уйнаган.

Ҳадис – ислом дини таълимоти буйича Куръондан кейин турадиган иккинчи муқаддас манба булиб, Муҳаммад пайгамбарнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда унинг диний – ахлоқий курсатмаларини уз ичига олган.

Агар Муҳаммад алайҳиссалом бирор бир гап айтган булса, ёки бирор ишни қилиб курсатган булса, ёхуд бошқаларнинг узларига қилаётган ишларини қуриб, уни маън этмаган булса, мана шу уч ҳолатнинг ҳар бири суннат ҳисобланган. Ана шундай хатта – ҳаракат ва курсатмалар тугрисидаги ривоятлар ҳадис деб юритилган.

Ҳадисларда фарз, суннат, вожиб, мустаҳаб, ҳалол, ҳаром, макруҳ, мубоҳ, савоб, гуноҳ, имон, сабр – қаноат қаби ахлоқ – одобга оид курсатмалар талқин этилган. Шунингдек, ҳадисларда ибодат қилишнинг тартиб қоидалари ташвиқот этилиши билан бирга, шахсга ҳос булган инсоний фазилатлар ҳам кенг ташвиқ қилинади. Инсон шаънига доғ тушурадиган разил сифатлар қораланади.

Мусулмонлар ҳадисларга жуда катта аҳамият берганлар. Эшитган ҳар бир ҳадисни ҳатосиз, асил ҳолича бошқаларга етказишга риоя қилганлар. Ҳадис ибораси ёки мазмунини бузиб, узича талқин этган кишилар каттик қораланган.

Кейинчалик турли синфий ва ижтимоий зиддиятлар, ислом динидаги ички гоъвий курашлар натижасида купгина сохта хадислар ҳам юзага келган. Натижада, йирик мухаддислар (хадис илми билан шугулланувчилар) хадисларни ишончли манбалар асосида кайта куриб чикиш ва уларнинг хакикийларини сохталаридан ажратишда анча хизмат килганлар. Хадисларни огъзаки анъаналардан дастхат килиш ва китоб холига келтириш милодий сананинг IX асридан кенг авж олган.

Агар Урта Осиёда ислом дини 708 йилдан кейин кенг таркала бошлаган булса, илохий катори хадис фани ҳам бу йилларда илдам ривожланган. Шуниси хаактерлики, ислом оламида машхур ва энг ишончли деб эътироф этилган олти хадислар туплами муаллифларининг аксарияти Урта Осиёлик алломалардир.

Улар Абу Абдуллох ал – Бухоирй (810 – 870), Исо Мухаммад ат – Термизий (824 – 892), Абу Мухаммад ас – Самаркандий, Мухаммад Можжа ва бошкалар.

Хулоса килиб айтсак, мусулмон «Хадис»ларида ахлоқ – одоб коидалари, дустана муносабатлар, меър – окибат, ота – оналар ва фарзандларнинг бурчлари, халоллик, поклик, адолат, инсоф – тавфикни таргиб килиш билан бирга разолат, кибри – хаво, адоват, хасад, хиёнат, ёлгончилик, мунофиклик, зулм каби иллатлар шафкатсиз кораланган.

Умумий хулоса шуки, ислом Урта Осиёга хурфикрлик ва инсонпарварлик гоъларин олиб келган, инсонни энг олий жонзот сифатида шарафлаган, унинг акли ва шуури олдида бутун мавжудот бош эгишини талкин этган. Шунингдек, Урта асрларда ижтимоий – ахлокий фикрлар тараккиётига кучли таъсир курсатган таълимотлардан биридир.

Суфийлик этикаси ислом этикасининг узига хос йуналишидир. Аввлом бор, суфийлик урта аср Шаркининг мусулмон мамлакатлари ижтимоий тафаккурида кенг ёйилган диний – фалсафий таълимотдир. У дастлаб VIII асрда Ироқда пайдо булган, кейин бошка мусулмон мамлакатларига таркалган. Суфийликнинг хилма – хил окимлари бор.

Улар бир – биридан ислом динига якин ёки узок туриши билан фаркланади.

Суфийлик (тасаввуф) таълимоти вужудга келган пайтда ислом пешволари уни бидъат деб эълон килган эдилар. Чунки, суфийлик мехнаткашларнинг кашшоклигига, хурланишига, улар иносний кадр – кимматининг оёк ости килинишига карши норозилик ифодаси тарикасида пайдо булган. Шунинг учун тасаввуф намоёндалари хусусий мулкчиликнинг вужудга келишини, жамиятнинг бой ва камбагалга ажрашини ёмонликнинг тантана килиши деб изохлаганлар. Давлатмандларнинг мол – мулкани харом деб хисоблаганлар. Демак, суфизм феодализмга карши халк норозилигининг пассив ифодачиси сифатида юзага чиккан. Шунинг учун бу таълимот кишиларни курашга эмас, золимлардан кутилмок учун молу дунёдан узни тийишга (тасаввуфчилар), ёки умуман дунёдан воз кечишга (зохидлар) чакиради.

Суфийлик таълимотига кура, бутун олам фано – уткинчи соядир. Инсон узлигидан воз кечиб (улиб), уз мохиятига (рухга) кушилгандан кейингина хакикатга эришади. Киши улгандан кейин, ожизликдан кутилиб, «хак»ка – худога кушилиб кетади. Образли килиб айтганда, суфийлар тасавурида Худо – денгиз. Моддий дунё унсирлари тулкин ва томчидир. Жумладан, инсон хам. Буларнинг барчаси денгизга сингиб кетади.

Хуллас, суфийлик ислом динини хам, унинг мохиятини хам инкор этмайди. Аксинча, суфийларда уз гоьларини «Куръон»га мувофиклаштириш кучли булган. Чунки улар кандай булмасин, мистик – вантенстик йуналишни хаммадан аввал ислом асосчиси Мухаммад алайхиссаломга нисбат бермокни истаганлар. Бирок улар ислом динининг айрим расмий масалаларига карши чикканлар. Масалан, уша даврда хукмдорлар ва дин уламолари узларини «зилли илох» (худонинг ердаги сояси) деб юритар эдилар. Бундай «зилли илох»лардан зулм курган суфийлар, улардан нафратлана бошладилар. Улар худони «зилли

илох»ларнинг панд ва уғитлари билан эмас, балки калб билан билмок ва танимок керак деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун ҳам илк суфийликнинг барча намоёндалари каттик таъкибга учраганлар. Мансур Халлож узини «анал ҳақ» мен ҳақман (худоман) деб эълон қилганлиги учун рухонийлар томонидан улдирилган.

Исломда тангри даргоҳида юксалишнинг йуллари учтадир:

1. Оллохнинг сифатларини эгалламок – бу Боязид Бистомийнинг йулидир.
2. Илохий ҳислатлардан завқланмок – бу Воситийнинг йулидир.
3. Тангри билан бирлашмок – бу Мансур Халложнинг йулидир.

Суфийлар тасавурида Ишк ва комил Инсон гоёси – инсонни худолаштириш гоёсидир, одам – Оллохнинг нусхасидир. Образли қилиб айтсак, худо бир кун уз хусни жамолини кургиси қелиб кузгуга (ойнага) эҳтиёж сезибди. Табиат унинг кузгусидир. Бутун оламдаги нарсалар хусусан инсон ҳам оллох хусн жамолининг жилвасидир.

XI асрга келганда суфийликнинг моҳияти ҳам тубдан узгарди. Унинг асосий шохобчалари реакционлашиб борди. Натижада ислом дини билан тасаввуф уртасидаги зиддиятлар йуқолиб борди.

Суфийлик асрда Урта Осиёга кенг ёйилган булиб, унинг Яссавия, Мавлавия, Кодирия, Накшбандия, Каландария сингари оқимлари мавжуд.

Яссавия оқимининг асосчиси Аҳмад Яссавийдир. У XI асрнинг охири ва XII асрнинг бошларида ҳозирги Туркистонда яшаган мутафаккирлардан биридир. Аҳмад Яссавий ислом динининг қонун – қоидалари ва урф – одатлари йигиндиси булган шариятни, суфийлик маслаги булган тарикатни, ишки илохийни – маърифатни, Оллохга етишмокликни – ҳақиқатни ҳормай – толмай тарғиб этган мутасаввуфдир.

Аҳмад Яссавий «ҳақиқат»га эришиш учун нимаки ёрдам берса, уларнинг барчасини яхшилик деб талқин этган. У ислом дини ва

мусулмончилик замирида инсоний ахлоқ нормаларининг мазмунини янада мукаммаллаштиришда муҳим роль уйнади.

Ахмад Яссавий адолатсиз замонда кишиларни мусулмончиликка шак келтирмасликка, ҳалол билан ҳаромнинг фаркига боришга, бировнинг ҳақига хиёнат қилмасликка, тугрисузликка чакиради.

Эй, муминлар тоат қилиб тайанмангиз,
Амонатдир азиз жонга инонмангиз.
Ҳаром – ҳариш йиғиш молга қувонмангиз,
Молларини қарши отлиғ йилон қилур.

Қуриниб турибдики, Ахмад Яссавий этикасида мусулмончилик ва шариат талаблари биринчи планда тарғиб қилинади. Биз биламизки, шариат талаблари ахлоқий ва ҳуқуқий талаблар йиғиндисидир. Ахмад Яссавийнинг фикрича шариатсиз – тарикат, тарикатсиз – маърифат ва маърифатсиз – ҳақиқат бўлиши мумкин эмас. Худога муҳаббат дарди билан яшаш, тавба – тазарру, сабру тоқат, маънавий шижоат, тугрилик – поклик, ҳалоллик, факру – фано – булар тасаввуфдаги асосий талаблардир. Ахмад Яссавий хикматларининг мавзу – мундарижаси айнан ана шундай гоё ва талаблар талқинидан таркиб топгандир.

Зоҳид булма, обид булма, ошиқ булгил,
Меҳнат тортиб ишқ йулида содиқ булгил.
Нафсни тийиб даргоҳига лойиқ булгил,
Ишқсизларни ҳам жони йуқ, имони йуқ.

Ахмад Яссавий хикматларидаги мистик йуналиш узига ҳос бўлиб, у уша давр одамларининг имон – эҳтиёжи ва орифона мушоҳадалари билан уйғунлашган.

Оқил эрсанг гарибларнинг қунглин овла,
Мустафодек элни кезиб етим қовла.
Дунёпараст ножинслардан буюн товла,
Буюн товлаб, дарё бўлиб тошдим мано.

Улуг суфий мутафаккирининг фикрича, нодонлик, кабохат, ёвузлик бутун илдизи билан одамнинг онгида куриб битиши керак. Ана ушанда хеч қандай гайриинсоний майллар ва иллатлар одамлараро муомала – муносабатларда намоён булмайди.

Хуллас, Ахмад Яссавий хикматларида хоқим рух – насиҳат рухидир. Лекин унинг барча панду насиҳатлари битта мақсадга қаратилган. Бу мутлақ ҳақиқатни билиш, ҳақни севиш – чунки «Ҳақни суйган ошиқлар» йулдан озиб, нафсу дунё учун имонсизлик қилмайдилар:

Тугри юрган ошиқлардан Худо рози,
Ошиқ иши осон эмас қилма бози,
Ёлгончилар ошиқ мен дер, Оллоҳ кози,
Имонини пучақ пулга сотар эрмиш.

дейди шоир.

Ахмад Яссавий этикасидаги самимият – ошқоралиқдадир. Шунинг учун шоирнинг хикматларида бадбинлик эмас, балки гамгинлик, маърифатли руҳни суядиган дард – фарёд борки, улар инсоннинг ахлоқий ҳиссиётини тарбиялашда, қомил инсон булиб шаклланишида муҳим роль уйнайди.

Суфизм тариқати умуминсоний ахлоқ нормаларини ҳар томонлама ривожланишида алоҳида роль уйнаган. Тугри, суфизмнинг ҳамма оқимларига ҳам бу фикрни тадбиқ қилиб булмайди. Чунки уларнинг айримлари ахлоқ нормаларини қупроқ диний нуқтаи назардан талқин этган бўлса, айримлари эса ахлоқнинг умуминсоний қоидаларини динга боғламасдан ривожлантирганлиги билан характерланади. Бундай оқимлар Шарқ мамлакатларида хурфикрлиликни ривожланишида муҳим роль уйнаган. Накшбандия тариқати ана шундай характерга эга бўлган, етук, диний – фалсафий ва ахлоқий системани ташкил этувчи таълимотлардин биридир. Накшбандия маслагининг гоёлари Яссавия тариқатига нисбатан анча прогрессивдир. Бу оқим намоёндалари тарқи дунё қилишга, дунё ишларидан батамом юз угиришга қарши чиқади. Аксинча, реал ҳаёт нозу

неъматларидан фойдаланиш тугрисида маслахатлар беради. Кишиларни меҳнат қилишга, билим олишга чақиради. Уз меҳнати билан яратилган неъматларни ҳалол дейиш, фақирона умр кечириш, ҳаммага яхшиликни раво қуриш бу оқимнинг асосий гоёларидир.

Накшбандия таълимотининг асосчиси Қасри Орифон қишлоғида тугилган Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорийдир. У урта сарларда Урта Осиёда Хожа Баҳоуддин Накшбанд номи билан бутун ислом оламига машҳур бўлган мутасаввуфдир.

А. Навоий узининг «Насойим ул – муҳаббат» китобида бу улуг шайх тугрисида шундай маълумотлар беради. Шоирнинг қайд этишича, Хожа Баҳоуддин Накшбандга Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий назар этган, Амир Сайид Қуллол унга тариқатдан дарс берган, Абдуҳолик Гиждивонийнинг руҳи эса уни қуллаб қувватлаган. Баҳоуддин Абдуҳолик Гиждивонийнинг суфийлик маслағини мустақил равишда узи урганган.

Хожа Баҳоуддин Накшбанд таълимотининг асосида «Дил ба ёру, даст ба қор» деган принцип ётади. Бу дегани шуки, ҳар бир инсоннинг дили ёр (оллоҳ) билан, қули эса меҳнат билан банд бўлмоғи лозим. Дилдаги ёрнинг (яратувчининг) ишқи инсонни эзгуликка қорласа, меҳнат билан утган ҳар соат унинг тирикчилиги воситаси бўлмоғи қерак. Бу маслақдаги улуг гоё қоқлик ва ҳалолликдир. Бутун оламнинг ҳуқмрони Сулаймон пайгамбар қундузлари бир гишти олтин ва бир гишти қумушдан қурилган қасрда иш тутар эди. Қеч бўлиб, иш вақти тугагач, у уз уйига қайтиб қелиб, сават туқир ва шу саватларни сотиб тушган даромадига ифторлик қилар эди.

Демак, пешона тери билан ҳалол пул топиб, фақирона ҳаёт кечириш яратувчи раҳимли ва меҳрибон Оллоҳнинг пайгамбарларига ҳам ҳосдир. Худди шундай қамолотни Муҳаммад алайҳиссалом фаолиятида ҳам қуриш мумкин.

Хожа Баҳоуддин Накшбанд маслағининг асослари ана шундан бошланганлиги шак – шубҳасиздир. Демак, тасаввуф маслағидаги

суфийлар пешона тери билан халол кун кечирувчи, дили хам, тили хам пок инсонларга катта хурмат билан караганлар. Шунинг учун тасаввуфда комил инсон масаласи етакчи уринда турган. Мутасаввуфлар узларида комил инсонга хос булган фазилятларни мужассам этишга интиланлар.

УртаОсиёдаги илгор фалсафий – этикавий йуналишнинг биринчи забардаст вакили Абу Наср Мухаммад ибн Узлуг ибн Тархон Фаробийдир (873 – 941). Фаробийнинг илмий – фалсафий кизикиш доираси гоёт кенг булиб, уз давридаги билимларнинг барчасини камраб олгандир. Агар грек мутафаккири Аристотель Шаркда «Муаллими аввал» деб ном олган булса, Фаробий эса унинг асарларини таргиб этгани ва Арасту карашларини янада ривожлантиргани учун «Муаллими соний» деб ном олган эди.

Буюк аллома узининг ижтимоий – сиёсий масалаларга багишланган 34 боблик «Идеал шахар ахолисининг карашлари» асарида, шунингдек, бевосита ахлокка багишланган «Бахт – саодатга эришув тугрисида рисола» асарида ахлоқ масалаларига кенг урин берган.

Фаробий яшаган даврда Дуне хам, ахлоқ хам иккига булинган эди:

1. Дунёвий ахлоқ.
2. Диний ахлоқ.

Улуг мутафаккир Арастунинг «Этика»сига ёзган шархида олий фарогат факат реал дунёда булиб, бахтни реал дунёдан ташкарида бор деб хисоблаш утакетган аклсизлик деб билади. Шунинг учун у шахарларнинг ахолисини мақсад ва ахлокий интилишларига караб икки турга булади ва «Бахт» реал хаётдан кейин келади деб уйловчилар адашган шахарда яшайди дейди. Фаробий фикрича инсоннинг ва жамиятнинг яхшилиқни кулга киритиши, ахлокий ва аклий камолотга эришуви, инсон ва жамиятнинг уз кулида булади. У шундай деб ёзади: «Хар бир инсон уз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражада етукликка эришуви учун куп нарсаларга мухтож булади, бир узи бундай нарсаларни кулга кирита олмайди ва уларга эришиш учун кишилар жамоасига эхтиёж

тугилади... Шунинг сабабли яшаш учун зарур булган нарсаларни бир – бирларига етказиб берувчи ва узаро ёрдамлашуви куп кишиларнинг бирлашуви оркалигина одам уз табиати жихатдан интилган етукликка эришиши мумкин». Демак, одамлар узаро бирлашув ва ёрдам оркали уз эхтиёжларини кондиришлари ва уз максадларига эришувлари мумкин. Фаробийнинг мазкур фикрлари К. Маркснинг «Инсон, буюк бойлик булган иккинчи бир иноснга нисбатан доимо эхтиёж сезади» деган карашларини эслатади.

Маълумки, уйғониш даврининг маънавий маданиятида инсон ахлоки, хулк – одоб масалалари етакчи уринни эгаллайди. Чунки инсонни ташки мухитдан, тирик жонворлардан фарк иклиб турувчи хислати – акл билан бир каторда унинг ахлокидир. Шунинг учун ахлоқ хакида фикр юритиш инсонни, инсонийликни урганиш, инсоншунисликдан иборат эди.

Уйғониш даврининг мутафаккирлари, шоирлари уз ижодларида ахлоқ ва ахлокийликка, унинг турли сохаларидаги куринишларига жуда катта эътибор берганлар. Шуниси характерлики, ахлоқ акл билан узвий холда, донно ахлоқ, тафаккурга асосланган ахлоқ сифатида талкин этилди ва хулк – одат, амалий ахлоқ хакидаги рационалистик таълимоти вужудга келди. Бундай рационалистик таълимотнинг асосий томонлари Фаробий ижодида дастлаб намоён булганлигини курдик.

Хулк – одоб масалаларини Фаробий инсоннинг интеллектуал сифатлари – «акллиги», «донолиги» билан узвий боглик холда олиб текширди. У талкин этган ахлокий тушунчалар, категориялар факат кишиларнинг узаро муносабатларида мавжуд булган хулк нормаларининг ифодасигина эмас, балки улар фаолиятининг натижаси хамдир. Фаробий инсоннинг фаолиятидан хулк нормалари унинг кундалик фаолиятидан келтириб чикардик, бундай караш, ахлокий категориялар Оллох томонидан белгилаб куйилади деган гайри табиий карашларга какшаткич зарба булди.

Фаробий инсоннинг хислатларини иккига булиб курсатди:

1. Табиий хислатлар – инсоннинг интеллектуал ва жисмоний имкониятлари.

2. Амалий хислатлар – илмга эга булиш, касб – хунар урганиш ва хоказо.

Инсоннинг илмли ва мохир касб эгаси булишида Фаробий таъкидлаганидек, ирода асосий ролни уйнайди.

Шунингдек, Фаробий инсоннинг шаклланишида таълим – тарбияга катта эътибор беради. Таълим – билим бериш, тарбия эса яхши хулк – одоб нормалари билан куроллантириш демакдир.

Фаробий хакикий олим булиш инсондан хар томонлама етук булишни, ахлокий покликни талаб этади деб курсатади.

«Илмни урганишга киришмокчи булган одам», - дейди у – «ёш камтар булиши, яхши саломатликка эга булиши, одобли ва тарбия курган, катъий, айёрлик ва алдашдан узок, турли салбий киликлардан узини саклай оладиган, илм ахлларига хурмат билан карайдиган булиши зарур». Фаробий таъкидлаб курсатадики, билим яхши хулк – одоб билан безатилган булиши керак.

Олий ахлокий фазилатлар деганда Фаробий хатти – харакатларда намоён булувчи билимдонлик, донолик, виждонли, камтар булиш, уз шахсий максадидан купчилик максadini устун куйиш, хакикатга, мухаббат ва маънавий юксакликка интилиш, адолатни севиш кабиларни тушунади. Салбий ахлокий хислатларни жохиллик, ёлгончилик, адолатсизлик, золимлик, хасислик, очкузлик, бойликка интилиш ва бошкаларни коралайди. Хусусан у халкни алдаб, диний йулда курбонлик килиш, дин талабларига буйсуниш зарурлигини даво килиб, улардан уз максадлари йулида фойдаланувчи рухонийларни кескин танкид килади.

Фаробий адолатсизлик ва зуровонликни ахлокий нуктаи назардан коралади. Бирок у уларни келтириб чикарган ва тугдирган сабабларни тушуниб етмади. Хатто у айрим категорияларнинг мохиятини тугри ёритиб беролмади. Масалан, «яхшилик» ва «ёмонлик» тушунчалари

тугрисида бундай ёзади: нимаики бахтни кулга киритиш учун хизмат килса – яхшиликдир, нимаики, бахтга эришишга халакит берса – ёмонликдир.

Бахт, Фаробий фикрича – бу мутлак яхшиликдир. Фаробий ҳеч қачон яхшилик ва ёмонликнинг иккиёклама табиатини тушуниб етмаган.

Фаробийнинг бахт ҳақидаги фикрлари – унинг ақл ҳақидаги таълимоти билан узвий боғлиқдир. Инсон яқка шахс сифатида абадий эмас, лекин унинг ақлий фаолиятининг етук ютуқлари, маънавий бойликларнинг умумий хазинасига кушилиб мангу булиб қолади. Демак, инсон, инсоният – уз яхшиликлари билан мангудир.

Фаробий диннинг ахлокий мазмунини ҳеч қачон инкор этган эмас. Чунки бу улуг мутафаккир дунёвий билимларни қанчалик ривожлантирган бўлса, уз навбатида, диний билимларни ҳам шунчалик мукамал урганган. Шуниси характерлики, диний билимлар унга дунёвий билимларни урганиш ва ривожлантиришига тускинлик қилмаган. Шунинг учун фаробий инсоният тарихида қомусий ақл эгаси сифатида машҳур бўлган.

Фаробийнинг таъкидлашича, инсон уз ҳаракатларида, фаолиятида эркиндир. Унинг бахту саодати ютук ва қамчиликлари азалдан ҳеч қим томонидан белгилаб қуйилмаган, буларнинг ҳаммаси реал ҳаётда кулга киритилади. Кишилар тугилишда – тенгдир, лекин ташқи муҳит, таълим – тарбия ва бошқалар таъсирида уларнинг бирлари яхшилик йулидан, бошқалари эса ёмонлик йулидан кетадилар. Фаробийнинг мазкур фикрлари, беихтиёр, К. Маркснинг инсон – муҳитнинг маҳсулидир, деган қарашларини эсга тушуради. Дарҳақиқат, муҳит ва тарбия инсон қамолотидаги етакчи фактордир.

Хулоса қилиб айтганда, Фаробийнинг ирода эркинлиги, бахт – саодатга илм – фаннинг роли ҳақидаги қарашлари сунгги илгор ахлокий

таълимотларнинг ривожини учун катта таъсир курсатди, ижтимоий ходисаларни талкин этишда хур фикрликка кенг йул очиб берди. В. И. Ленин Платон идеализми билан Аристотель идеализмини солиштириб, Аристотель идеализми хаётга, материализмга якинрок деган эди. Худи шу фикрни Фаробий идеализмига ҳам тадбик қилиш мумкин. Чунки Фаробий жамият хақидаги Оллох активлигини инсон активлиги билан алмаштирди, «нариги дунё»даги жаннатни реал дунёга кучирди ва жаннатда ваъда этилувчи «бахтни» ва «бахтли хаётни» реал оламда кулга киритиш мумкинлигини курсатди. Бу билан Фаробий урта аср ижтимоий – сиёсий, ахлокий таълимотлари ривожидан бутунлай янги оқимга асос солди. Фаробийнинг бу таълимоти Шарк Уйғониш даври гуманизмининг энг асосий принципларидан бирини ташкил этди. Унинг мазмуни, мундарижасини белгилаб берди. Бу принцип кейинрок Ибн Сино, Низомий, Саъдий ва Навоий асарларида ранг – баранг жилоларга эга булди.

3. Урта Осиёнинг буюк комусий олими Абу Райхон Берунийнинг (973 – 1048) илмий меросида этикавий фикрлар янада ривожлантирилди. Берунийнинг ижтимоий – фалсафий карашлари катта илмий кимматга эгадир. Хар кандай дунёкараш учун ислом дини ақидалари, калом философияси асосий пойдевор булган урта аср Шаркида Беруний ҳам купчилик мутафаккирлар каби идеалистик асосларни четлаб утолмади. Бирок у илмий билимларга, фан ютуқларига таянган холда табиатни стихияли материалистик позицияда туриб тушунтирди. Беруний философияда худони понтеистик тарзда тан олади, яъни худони табиатга сингдириб юборади. Беруний идеалист, бирок уз карашларида ислом идеологиясига зид уларок материалистик фикрларни илгари сурган ва илмий асослаб берган. Беруний ахлокий карашлари жихатдан материалистик позицияда турган. У олим ва фозил булишни ҳам ахлоқ билан боглаганлиги диққатга сазовордир. Буюк аллома фикрича, олим кишилар хақиқатни куришга имкон булмайдиган хислатлардан узини

тозалаган такдирдагина илмий тажикот билан шугулланиши мумкин булади.

Беруний этикасида ахлоқнинг мохияти кишиларнинг ижтимоий яшаш тарзи билан боғлаб коралади. Натижада, у ёки бу ахлоқнинг типи ва унинг мазмуни кишиларнинг моддий эҳтиёжлари манфаатлари билан боғланиб кетади.

Беруний ахлоқнинг объектив мазмунини тугри хал этади. Масалан, инсон ва Дуне орасини улаштирувчи нарса нима деган масалани диний ахлоқ намоёндалари худога боғлаб талкин этадилар. Беруний эса «инсонга овкат ва кийим керак, иккови инсон ва дунё орасини улаштирувчидир» дейди. Бу билан у объектив эҳтиёжларни кондириш процессида инсон хатти – харакатлари, турли одатлари қарор топишига ишора қилади.

Беруний уз ахлоқий қарашларида инсоннинг бу дунёдаги урни масаласига катта эътибор беради. Одамда тафаккур қудрати булмаганда эди, деб уқтиради буюк аллома, унинг ахволи хайвонлар ҳолатидан ҳам тубанроқ булагн булар эди, чунки одам қуч жихатдан хайвонлардан заиф, қучли табиатнинг ҳужум воситаларидан маҳрумдир.

Берунийнинг қайд этишича, инсондаги энг гузал фазилат – олийжаноблик ва мурувватдир, ундан ҳам юксак нарса поклик ва виждонийликдир. Мутафаккир ростгуйликни ҳамма нарсадан ҳам муътабарроқ уринга қуяди. Беруний узининг тугри фикрларидан қайтмагани учун улимга ҳукм этилган ва ҳалок булган файласуф Сукротни ростгуйлик йулидаги ахлоқий идеал сифатида тилга олади.

Беруний инсон хулқларини яхши ва ёмон хулқларга ажратади. Яхша хулқлар: ростгуйлик, адолатлилик, мардлик, ҳимматлилик ва хоказо.

Ёлгончилик кишини адолатдан юз угиртиради, зулм, ёлгон, гумроҳлик, омонатга хиёнат қилиш, мулкни хийла билан босиб олиш ва бошқалар энг ёмон хулқлардир.

Берунийнинг ахлокий карашларида миллатлар, халклар, элатлар тенглиги биродарлиги тараннум этилади. У бирор бир халкни ёки этникодни сабабсиз калокликда айблайди. Унинг куйидаги фикрларида нақадар холислик, объективлик ва уз – узига нисбатан танқидий баҳони курасиз: «Хиндларнинг ахлокларида замонамиздаги ватандошларимизнинг урф – одатларига зид нарсалар бор. Шу зидлик сабабли у нарсалар бизга кизик туюлади ва хиндлар томонидан у одатлар худди атайлаб одатимиз тескарисига килинса керак деган фикр ҳаёлимизга келади. Чунки бу шу карама – карши одатлар ва бу карама – каршиликни бошқаларга тунқашда биз ҳам улар сингаримиз». Одоб ва ахлоқдаги бундай фарқлар эса яшаш тарзи табиий – географик шароитлар билан белгиланади.

Инсон хулқини яхшилаш, инсоннинг узига боғлиқ булсада, бу ҳали масаланинг бир томони, ҳолос, деб уқтиради Беруний. Унинг фикрича, феълнинг, яъни ахлоқнинг юз бериши шароит тақозоси билан ҳам белгиланади. Бу улуг алломанинг тугри материалистик карашидир.

Беруний ҳаётнинг масаласини ҳал этишда ижодий меҳнат, яхшилиқ ва саҳоватни асос қилиб олади. Олимнинг кечирган умр мазмуни бунинг яққол мисоли ва уша даврнинг ахлокий идеалидир.

Инсоният маънавий маданиятига қатта ҳисса қушган Урта Осиёлик алломалардан яна бири Абу Али Хусайн бин Абдулло ибн Синодир. Философияда Фаробий традицияларини давом эттирган Ибн Сино ижтимоий фаннинг зарурлигини узининг «Донишнома» асарида шундай баён этади: Ҳар бир илм ичида уни урганадиган бир нарса булади. Бу нарсалар икки турга булинади: бири борлиги бизнинг ҳаракатимизга боғлиқ булган нарсалар ва иккинчиси, мавжудлиги бизнинг ҳаракатимизга боғлиқ булмаган нарсалар. Аввалгисига бизнинг қилмишларимиз мисол булса, иккинчисига ер осмон, ҳайвон ва усимликлар мисол булади. Натижада, ҳикмат илми ҳам икки турга булинади:

1. Назарий.
2. Амалий.

Унинг биринчиси уз килмишларимиздан хабардор килади ва «хикмати амалий» (Амалий философия) деб аталади. «Бизларнинг бу дунёдаги ишларимизни амалга оширишимиз учун нима килишлигимизни ургатади».

Амалий илм уч турга булинади:

1. Жамиятни, халкни, мамлакатни идора килиш илми.
2. Уйни бошқариш, оила муносабатларини тартибга солиш илми.
3. Уз – узини идора килиш илми. Ахлоқ ҳам бир киши учун уз – узини идора килиш булиб киради. «Ёмонликнинг булиши зарурий ва муқаррардир, чунки ҳамма жисмлар заруриятдан бир – бири билан боғлиқдир»¹. «Шунинг учун – дейди у – предметлар бир – бири билан қушилганда, бири иккинчисини йук килиши муқаррардир»².

Яхшилик ва ёмонлик тушунчаси нисбий булиб, улар бир – бирига утиб туради. Ёмонлик баъзи ҳолларда яхшиликка айланиши мумкин. Масалан, афюн дорисининг оз миқдорда қулланиши инсон учун фойдали бўлса, нормадан қуп ишлатилиши тесқари натижага олиб келади ёки зиёнқдир. Бу билан Ибн Сино яхшилик ва ёмонликнинг иккиёқлама табиатини очишга интилади.

Ибн Сино этиқасининг муқим томонларидан яна бири болаларни ахлоқий тарбиялаш масаласидир. У, тарбия кишиларнинг ахлоқий фазилатларининг ривожланишида муқим роль уйнашини фохмлади ва шунинг учун ҳам бу масалага катта эътибор берди. У бола тарбияси билан бола яхши ва ёмонни фарқига борақдиган бўлгандан сунг дархол шугулланишни маслахат беради.

Ибн Сино инсонни уз табиатига кура ижтимоий мавжудот, дейди. Шу сабабли одам жамоасиз ва ижтимоий муносабатларсиз яшай олмайди.

Ибн Сино ахлоқ категориясига яхшилик ва ёмонлик, лаззат, донолик, сахийлик, севги – мухаббат, камтарлик каби тушунчаларни киритади.

«Нимаики мавжуд булса – деб ёзади Ибн Сино – уз табиатига кура камолотга интилади. Мана шу камолотга интилиш уз мохиятига кура яхшиликдир. Нарса камолотга интилиб нуксонлардан кочади». Предметга хос булган нуксонлар унинг учун ёмонликдир. «Хар кандай предметнинг икки аспекти бор – дейди у – бу активлик ва пасивлик аспектидир». Яхшилик активликка, ёмонлик эса тургунлик категориясига киради. Ёмонлик, Ибн Сино фикрича, предметлар мохиятида ҳам, ундан ташқарида ҳам булиши мумкин.

Ибн Синонинг карашича, дунёда зарурий таркибий қисм сифатида адолатли гармония мавжуддир. Масалан, «Ёмонлик мана шу гармониянинг зарурий таркибий қисмидир».

Ибн Сино фикрича, ахлоқий тарбияда коллектив катта роль уйнаши керак. Коллективсиз бола тортинчок, эгаист булиб усади, унинг яхши ва ёмон хислатларини топиш қийин булади. Шунингдек, Ибн Сино болани ахлоқий жихатдан тарбиялашда гуманитар ва табиий билимларнинг родини алоҳида уқтиради. Буюк аллома уқтирганидек, муаллим уз укувчиларини яхши ахлоқий фазилатларга, араб тили ва адабиётини яхши уқишга ургатиши керак. Бирор бир касбни урганиш ҳам Ибн Сино кайд этганидек, ахлоқий тарбияга ижобий таъсир курсатади.

Хулоса қилиб айтганда, Ибн Сино этикаси кейинги файласуф олимларнинг ахлоқ тугрисидаги таълимотига зур таъсир курсатди. Табиат инсонни яратувчисидир, дейиш билан Ибн Сино инсонга мустақиллик берди. Хуллас, Ибн Синонинг ахлоқий карашлари прогрессив булиб, дунёвий фикрлари билан уйғунлашгандир.

Адабиётлар:

1. И. А. Каримов. Оллох калбимизда юрагимизда. Тошкент – 1999 йил.
2. М. Хайруллаев. Фаробий. Тошкент – 1963 йил.
3. И. А. Каримов. Имон ва инсон. Тошкент – 1991 йил.
4. М. Хайруллаев. Уйғониш даври мутафаккирлари. Тошкент – 1993 йил.
5. Ф. Бойназаров. Антик Дуне. Тошкент – 1990 йил.

3- мавзу. Ахлоқнинг структураси, моҳияти ва ижтимоий функциялари.

Режа:

1. Ахлоқий онг, унинг моҳияти ва мазмуни.
2. Ахлоқий амалиёт ва ахлоқий муносабатлар.
3. Ахлоқнинг ижтимоий функциялари.

Таянч тушунчалар:

Ахлоқий онг, ахлоқий амалиёт, ахлоқий талаблар, адолат, хулқ нормалари, индивидуал ахлоқий онг, ахлоқий ҳиссиёт, ахлоқий ишонч, эпизодик ахлоқий муносабатлар, тургун ахлоқий муносабатлар, баҳолов, билиш, тарбиялаш функциялари.

Ахлоқ узгарувчан мураккаб тушунча. Ижтимоий онг сингари ахлоқ структурасини ҳам ижтимоий муносабатлар белгилайди.

Ахлоқ – киши ва жамият уртасидаги объектив узаро боғланишнинг идеологик ва психологик намоён булишидир. Аникроги умумий ва индивидуал манфаатларни мувофиқлаш заруратининг ифодасидир. Шунингдек, ахлоқ шахс билан жамият уртасида юзага келадиган зиддиятларни бартараф этишнинг асосий шакллари билан бирдир.

Ахлоқ структурасига ахлоқий онг, ахлоқий амалиёт ва ахлоқий муносабатлар киради. Ахлоқнинг мазкур элементлари бир –бири билан узаро боғлиқ булса-да, нисбий мустақилдир.

Ахлоқий онг – ахлоқий талабларни, адолат тугрисидаги тасаввурларни шакллантирадиган назариялар ва қарашлар йигиндисидир. Умуман, онг сингари ахлоқий онг ҳам мавжуд ижтимоий борликнинг инъикосидир. Аммо ахлоқий онгда ижтимоий борлик эмас, балки кишиларнинг жамиятдаги хулқи уз ифодасини топади.

Маълумки, инсон ҳар қандай ҳатти – ҳаракатини онги орқали бажаради. Мазкур ҳатти – ҳаракатлар жамият учун фойдали бўлса, ахлокий онгнинг мазмунини ташкил этади.

Ахлокий онгнинг мазмунида ҳулқ нормаларидан ташқари одат ва анъаналар ҳам муҳим урин тутати. Чунки одат ва анъаналарда ҳулқ қоидалари бўлиб, турмушга мустаҳкам сингиб кетган ва тургун ҳаракатдаги бир хил ҳатти – ҳаракатларга кенг йул – йуриқлар курсатади.

Тарихий таҷрибалар сифатида сайқал топган одат ва анъаналарда халқ руҳи, миллатнинг психик хусусиятлари ҳақда даврнинг белгилари узифодасини топган бўлади. Улар ҳаётини эҳтиёжлар таъсирида пайдо бўлади, шаклланади, сунг халқ томонидан қуллаб – қувватланади.

Демак, ахлоқ тараккиётидаги ҳар бир янги қадам эски, умрини утаб бўлган урф – одат ва анъаналарни унитиш ҳамда янги одат – анъаналарни ҳаётга жорий қилишдан иборат. Кишилар ҳаёт тарзини маъноли ва мазмунли қилган, шунингдек, ёшлар ахлокий тарбиясида муҳим роль уйнайдиган одат – анъаналарни авайлаб сақлайдилар. Уларни янги умуминсоний мазмун билан бойитиб авлоддан – авлодга мерос қолдирадилар.

Мавжуд расм – русум, урф – одат ва анъаналарни учга бўлиб курсатиш мумкин:

1. Миллий урф – одат ва анъаналар.
2. Диний урф одат ва анъаналар.
3. Байналминал урф – одат ва анъаналар.

Ахлокий онг структурасидаги кейинги элементлар ахлокий туйғу, ахлокий ҳиссиёт ва ахлокий ишончдир. Агар ахлокий туйғу ва ахлокий ҳиссиёт бўлмаса, кишилар уртасида чин маънодаги ахлокий муносабатларнинг бўлиши мумкин эмас. Туйғулар, ҳиссиётлар ахлокий онгга ёркинлик ва тургунлик беради. Ҳиссиёт инсоннинг ахлокий ҳаётини тулақонли қилади. Ҳиссиётлар уз мазмунга қура ижобий (самимият,

рахмдиллик, хамдардлик, меҳрибонлик) ва салбий (мунофиклик, хасад, бахиллик, ичикоралик) турларга булинади.

Ахлокий онгда эмоционал томон интеллектуал томон билан (тажриба ва ақл) чамбарчас боғланиб кетади. Хиссий тажриба булмаса, ақл бум – буш ва уз навбатида ақл иштирок этмаган хиссий тажриба курдир, деб таъкидлаган эди буюк немис файласуфи И. Кант.

Демак, ақл хиссиётларга маълум ижтимоий йуналиш беради. Эмоционал хиссиётлар эса онгда узининг ақлий асосини топади. Хиссиёт маълум маънода инсондаги ахлокийликни кучайтиради. Масалан, инсон уз хаётини хавфга куйиб, бошка одамга ёрдам бераётганда (сувга чукаётган одамни куткараётганда ёки ёнаётган уйдан болани олиб чикиш пайтида) ижтимоий муаммолар хакида уйламайди, бирор – бир нарсани мулжалламайди, мулохаза килиб утирмайди.

Бундай шароитда инсон хиссиётлар таъсирида булади. Бирок хиссиётлар маълум даражада хатти – харакатнинг ахамиятини белгилагани билан хамиша хам хулкнинг сабабчиси була олмайди. Факат катъий масалан, имон, эътикод ва ишончгина хулкнинг асосини ташкил этади.

Ахлокий ишонч шахснинг актив фаолият йуналишини, унинг муайян максадга интилишини ва хаёт позициясини белгилайди. Ахлокий ишонч узида рационал ва эмоционал томонларни ифодалаб, характерга тургунлик беради, шахснинг ахлокан етуклигини кафолатлайди.

Ахлокий онгнинг узига хос ва айни пайтда энг мухим элементи шахснинг ахлокий сифатларидир. Улар ижобий ва салибий ахлокий сифатларга булинади.

Ижобий ахлоқ сифатлари:

1. Камтарлик
2. Меҳнатсеварлик.
3. Хушмуомалалик.
4. Рахимдиллик.

5. Олийжаноблик.

6. Ростгуйлик.

Салбий ахлоқ сифатлари:

1. Хоинлик.

2. Ёлгончилик.

3. Хасадгуйлик.

4. Иродасизлик.

5. Мунофиклик.

кабиларга булинади. Ижобий ахлоқий сифатлар шахснинг буюк бойлиги ҳисобланса, салбий сифатлар эса унинг нуқсонлари ҳисобланади. Ҳамма даврларда ҳам ахлоқий сифатлар муайян мафқуранинг умумий йуналиши билан белгиланган.

Шундай қилиб, ахлоқий онг жуда серкиррадир. У узида ижтимоий ҳаёт практикасида шаклланган нормаларни, одоб қоидаларини, одат – анъаналарни, ахлоқий ҳиссиёт, туйғу ва ишончни, шахс ва маълум ижтимоий гуруҳ учун типиклашган сифатларни, гоъларни ифодалайди.

Ахлоқий онг кишиларни қундалиқ фаолиятида, уларнинг ҳулкида, кишиларнинг амалий ҳаётида намоён бўлади. Шу сабабли ахлоқ структурасидаги иккинчи муҳим бир элемент – ахлоқий практикадир. Ахлоқий амалиёт – инсоннинг меҳнатга, коллективга, оилага, қариндошларга, дустларга муносабатидир. Унда шахснинг табиатга, жамиятга бўлган муносабати ҳам уз ифодасини топади. Бошқача қилиб айтсак ахлоқий амалиёт амалда намоён бўладиган ахлоқдир.

Ахлоқлилиқ ва ҳулқ – ахлоқий практикага қараганда торроқ тушунчадир. Ҳулқ – кишининг онги ва иродаси билан белгиланадиган ахлоқий ҳатти – ҳаракатларнинг йигиндисидир. Кишиларнинг ахлоқий ҳулқи жамиятнинг ахлоқий муҳитини яратишда катта роль уйнайди. Ҳулқнинг биринчи элементи ҳатти – ҳаракатдир. Ҳатти – ҳаракатлар инсоннинг қундалиқ фаолиятидир. (онгли муайян мақсадга

йуналтирилган). Жамиятда мавжуд булган ахлокий талабларнинг ижобий хам салбий курунишлари хатти –характларда намоён булади.

Хатти – харакатлар тугридан – тугри фаолият килишдангина иборат эмас. Улар фаолиятсизлик – сукут, пассивлик, локайдлик ёки имо – ишора, килик, караш тарзидаги муносабатларда хам ифодаланиши мумкин.

Хулқда, кишининг хатти – харакатларида, унинг ички маънавий дунёси, фикри, туйгу интилишлари, одатлари уз аксини топади. Бошка кишилар мафаатларига дахлсиз булган «соф индивидуал» фаолият ахлокий жихатдан «бетараф»дир. Айтайлик киши балконда усаётган гулларга сув куйди. Бу харакат ахлокий хам, ахлоксиз хам эмас. Борди - ю, бу киши бемор ётган, гуллари каровсиз ётган кушнисининг гулларини сугорса, тамоман бошка гап. Бу холда у кишининг хатти – харакати ахлокий мазмун касб этади.

Демак, инсоннинг хатти – харакати уз – узидан эмас, балки ижтимоий хаётнинг бир булагини булганлиги учун яхшилик ёки ёмонликдан иборат булади. Шунинг учун бирор–бир харакат юксак максадлар ва хар кандай эгоистик мулжаллардан холи амалга оширилса, бу харакат ахлокий булиш билан бирга гузал хамдир.

Хатти -харакатларинг ахлокийлик даражаси хамиша онглик даражасига богликдур. Эркин онгли ва томомила ихтиёрий юзага чиккан хулқгина ахлокий кийматга эга булади. Ахлокий талабларни чукур англаб етган киши эмас, балки шу талабларга катъий риоя килган одамгина одобли ва ахлоклидир. Акс холда, хар кандай мунофик одам узини ахлокли килиб курсатиши мумкин. Шунинг учун хам халкимиз «Одам оласи - ичида» деб бежиз айтмаган.

Ахлокий муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг таркибий кисмидир. Ижтимоий муносабатларнинг хар кандай тури сингари, ахлокий муносабатлар хам ахлоқ нормалари билан чекланган кишилар, гурухлар, шахс ва жамият уртасидаги муайян богланишлар системаси

тарзида мавжуддир. Шунга кура ахлокий муносабатлар эпизодик (фалокатга учраган одамга ёрдам курсатиш) ва тургун турларга булинади. Ахлокий муносабатлар кишиларнинг иродасидан ташкари пайдо булиб, ахлоқ нормаларининг қарор топиши жараёнида кишилар онги орқали утади.

Ижтимоий муносабатларнинг бошқа турларидан фарқ қилиб, ахлокий муносабатларда ҳамиша ва ҳамма жойда ахлокий нормалар ёки баҳолар таъсири қуриниб туради. Улар ахлокий фаолият, ҳуққ, ҳатти – ҳарактларда, атрофдаги ижтимоий борлиққа нисбатан ахлокий таъсир курсатишда юзага чиқади. Ахлокий муносабатларда кишиларнинг фаолияти ва ҳатти – ҳаракатлари, улар муносабатларининг ахлокий–амалий ифодаси сифатида асосий урин тутуди.

Ижтимоий онгининг бошқа ҳар қандай шакли сингари ахлоқнинг вазифаси ҳам ҳуққрон мафқура учун хизмат қилишдан иборатдир. Ахлоқ ҷамият маънавий ҳаётининг қаттагина қисмини ташқил этади. У ҷамият тараккий этиши билан ривожланиб, бойиб боради. Шунингдек ахлоқ нисбий мустақилликка эга булиб, ҷамият тараккиётига у ёки бу тарзда таъсир курсатади. Бу дегани шуки, ҷамият тараккиётида иқтисодий омиллар қанчалик муҳим роль уйнаса, ахлокий омиллар ҳам шунчалик прогрессив роль уйнайди.

Одатда ахлоқнинг умумий функциялари: тартибга солиш (бошқарув) стимули, баҳолаш, билиш ва тарбиялашдир. Амалда эса уларнинг барчаси бир – бири билан қирмашиб қбир – бирини тулдиради, бир – бирига утиб туради, бири бошқаси орқали амалга ошади.

Ахлоқнинг бошқарув функцияси бошқа функцияларини узига буйсундиради ва уюштиради. Ахлоқ факатгина йул – йуриқ, курсатма берибгина қолмай, балки у шахсни маълум ҳатти – ҳаракатга йуллайди, айрим ҳолларда буйруқ беради.

Ахлоқнинг бошқарув функцияси, энг аввало, ахлокий талабларни ва ахлокий курсатмаларни ишлаб чиқишда муҳим роль уйнайди. Бир

ижтимоий система урнида иккинчи бир ижтимоий система карор топса, янги ижтимоий система манфаатлари учун хизмат киладиган ахлокий талаблар ва ахлокий курсатмалар шак шубхасиз ишлаб чикилади.

Ахлокнинг бахоллов функцияси, биринчи навбатда, анна шу ишлаб чикилган ахлокий талаб ва курсатмаларга кишиларнинг риоя килишларини назорат килиш учун хизмат килади. Бу функция ижтимоий максадлари тугрилигини тасдиқлайди ёки рад этади. Бахоллаш булмаса, ахлокнинг узи хам булиши мумкин эмас. Ахлокий бахоллашнинг асоси яхшилик ва ёмонлик негизига курилади.

Ахлокнинг билиш функцияси ижтимоий онгнинг бошка хар кандай шакллари каби ижтимоий борликни акс эттиришдан иборат. Ахлок мавжуд ёки шаклланаётган ижтимоий муносабатларни конунлар тарзида эмас, балки жамиятнинг талаблари ва шахс манфаатлари акс этган муайян максадлар, гоьлар, орзу – умидлар, хохишлар тарзида акс эттиради. Ахлокий онг кишилар хулкени хам муайян норма ва принципларда акс эттиради. Хуллас, инсоннинг ижтимоий борлик тугрисидаги билимларининг кенгайишида ахлокий муносабатлар хам мухим роль уйнайди.

Маълумки, ахлокий тарбия кишининг ахлокий кифёси, унинг иродаси, уз –узени англаши ва характерининг шаклланишида фавкулотда катта ахамиятга эга. Киши томонидан кабул килинган тарбия талаблари унинг маънавий кифёсида характерли белгилар ва ахлокий сифатларни шакллантиради. Ахлокнинг тарбиялаш функцияси инсон камолотида бекиёс ахамият касб этади. Унинг ахамияти тугрисида буюк рус тадқиқотчиси Белинский «Тарбия билан инсон кимати хал этилади» деб ёзади.

Хулоса килиб айтиш мумкинки, ахлоқ ижтимоий тараккиёт махсули булганлиги учун унга доим узгариб борадиган ижтимоий борлик таъсир курсатиб туради. У узида жамиятга хос булган барча узгариш ва зиддиятларни акс эттиради. Шунинг учун хар кандай янги ахлоқ жамият

хаётида муҳим роль уйнаган халқ оммаси фаолияти натижасида қарор топади. Шу сабабли ахлоқ эгаси ҳамиша халқ булган.

Адабиётлар:

1. И. А. Каримов. Ўзбекистон, миллий истиқлол, сиёсат, иқтисод, мафкура. Тошкент – 1993 йил.
2. И. А. Каримов. Танланган асарлар. 1-,2-,3-,4- жилдлар. Тошкент – 1996-97 йиллар.
3. Х. А. Шайхова. Умуминсоний кадриятлар ва маънавий камолот. Тошкент–1993 йил.
4. Э. Юсупов. Маънавий камолот омиллари. Тошкент – 1995 йил.
5. М. Саттор. Ўзбек удумлари. Тошкент – 1991 йил.
6. Этика. Тошкент – 1993 йил.

4-Мавзу: Этиканинг асосий категориялари (2-соат)

Режа:

1. Этика категориялари тугрисида умумий маълумот.
2. Яхшилик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик, ахлокий эркинлик ва ижтимоий бурч тушунчалари.
3. Ор-номус. Кадр-киммат, шаън, виждон ва имон тушунчалари.
4. Савоб ва гуноҳ, халол ва харом, умрнинг маъноси тушунчалари.

Таянч тушунчалар:

Ахлокий категория тушунчаси, бахоловчи-норматив муҳокама, инсоннинг ижтимоий моҳияти, жамоатчилик фикри, яхшилик ва ёмонлик, тахкирлаш ёки коралаш, мажбурият, шахсий манфаат, ижтимоий манфаат, шахсинг киммати, индивидуал баҳо бериш, шон-шухрат, ахлокий баҳолаш, назорат қилиш, социал туйғу, ижтимоий меҳнат амалиёти, виждон, ҳаётнинг олий мақсади.

1. Этика категориялари ахлокий муносабатларнинг объектив қонуниятларини акс эттиради. Уларда қишилар ҳатти-харакатлари, ҳулқ-атворлари синфий-тарихий нуқтаи назардан маъқулланади ёки қораланади. Этика категорияларининг узиға ҳослиғи шундаки, уларға фан сифатидаги этиканинг назарий асосини ташкил этувчи ахлоқнинг энг муҳим томонлари ва элементлари умумлашган ҳолда уз ифодасини топади.

Ахлоқ категориялари чинакам илмий қарашлар пайдо бўлмасдан қўп даврлар олдин вужудға келган. Бу категориялар турли даврларда турлича мазмун қасб этган. Бирок ахлоқ категориялари уз мазмуни жихатдан объективдир. Лекин улар қишиларнинг субъектив баҳоларисиз мавжуд эмас. Чунки этика категорияларининг руёбға қикишида субъект асосий ролни уйнайди. Масалан. Яхшилик ҳам. ёмонлик ҳам муайян ҳулқ-атвор

эгаси булган шахс хатти-харакатида руёбга чикади. Объективлик ва субъективликнинг бу диалектикаси барча ахлокий категорияларга тааллуқлидир.

Этика категорияларининг қупчилиги карама-қарши характерга эгадир. Чунончи, яхшилик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик бахт ва бахтсизлик, виждон ва виждонсизлик ва хоказо. Хар бир категориянинг узига хос хусусиятлари бор ва у шахс билан жамият уртасидаги алоқаларнинг маълум томонларини акс эттиради. Баъзи бир категориялар уз мазмуни жихатдан умумий булиб, ахлоқ соҳасини нисбатан жуда кенг қамраб олади. Бундай категориялар жумласига яхшилик, ёмонлик адолат ва адолатсизлик тушунчаларини қиритишимиз мумкин булади. Бошқа бир категориялар эса нисбатан тор маъноли категориялар булиб, (бурч, виждон, шаън, бахт) ахлокий муносабатларни шахснинг ички дунёси орқали бирмунча яққол акс эттиради.

Бундан ташқари айрим категорияларда баҳолов (баҳолаш) характери устун булса, (яхшилик, ёмонлик, адолат) айрим категорияларда эса (бурч, виждон) буйруқ характери қучли булади.

Утмишдаги этикавий системалари, одатда, у ёки бу категориянинг устунлиги ва унга бошқаларнинг тобелиги асосига қурилган. Масалан, Арасту ва Афлотун этикасида – яхшлик, Кантда – бурч, Гегелда – виждон, Демокрит, Эпикур, Фаробий ва Фейербахда – бахт белгиларчи категория ҳисобланган

Ахлоқнинг норма ва принциплари категорияларининг мазмунини ойдинлаштириш учун хизмат қилади. этика фанининг категориялари жамият ривожланиши билан янгича белгилар қасб этиб, узғариб ва ривожланиб боради. Шунинг натижасида бутун категориялар системаси ҳам этика фанининг назарий равнақиға мос равишда янгича тушунчалар билан бойиб боради.

2. Яхшилик ва ёмонлик ахлокий онгнинг бирмунча умумий тушунчаларига мансуб булиб, ахлоқлилик билан ахлоқсизликнинг фарқи

ва карама-каршилигини яхлит бир шаклда ифода этади. Кишилар бу категориялар оркали теварак-атрофда содир булаётган ходисаларни бахолайди.

Яхшилик ва ёмонлик категорияси инсоннинг хатти-харакатини, ахлокий сифатини, мавжуд синфларнинг узаро муносабатини, жамиятнинг умумий ахволини бахолаётганлигига караб катта мазмун касб этади. Яхшилик-ёмонлик кутбий, бир-бирини инкор этувчи категориялардир. Агар яхшилик категориясида ахлокий идеалга мос келадиган нарсалар хақидаги тасаввурлар жамланган булса, ёмонлик категориясида эса, кишиларнинг ахлокий идеалига зид булган, прогресснинг қарор топишига тускинлик келадиган ҳамма нарсалар хақидаги тасаввурлар ифодаланари. Бу категориялар ҳам барча бошка ахлокий тушунчалар сингари тарихан узгарувчандир.

Яхшилик ва ёмонлик тушунчаларини тадқиқ этишда буюқ немис файласуфи Г.В.Ф.Гегель ҳаммадан узиб кетди. У биринчи булиб яхшилик ва ёмонлик категорияларини диалектика алоқадорликда урганари. Гегель яхшилик ва ёмонликнинг тараккиёти зиддиятлар оркали, бирининг иккинчисига утиб туриши оркали содир булади, деб хисоблайди. У «ёмонлик» нинг факат салбий томонини қурган файласуфлардан фарқли уларок «ёмонлик» тушунчасида икки ёклама маъно борлигини қура олди. «Гегелдаги ёмонлик да тарихий тараккиётнинг харакатлантирувчи қуч намоён булади. Унинг икки ёклама маъноси шу билан ифодаланари» деб ёзади Ф.Энгельс.

Гегель яхшилик ва ёмонликнинг баҳо мезони субъектив баҳо эмас, балки жамоатчилик фикридир, деб хисоблайди. Тугри, у мазкур категорияларни текширишда уларнинг синфий мазмунини назарга олмайди. Бу унинг катта хатоси эди.

Яхшилик ва ёмонлик масаласи факат умуминсоний этикада узининг асл илмий ечимига эга булди. Умуминсоний этика инсоният олаמידан ташқарида ва унга боғлиқ булмаган ҳолда яхшилик ва ёмонликнинг

булмаслигини исбот килиб беради. Умуминсоний этика инсон хатти-харакатидаги ахлокий нарсаларнинг хаммасини яхшилик гайри-ахлокий нарсаларнинг хаммасини эса ёмонлик, деб талкин этди.

Колаверса, жамиятдаги социал гурухлар яхшилик ва ёмонликка турлича тушунадилар. Албатта бу нарса унинг икки ёклама табиатидан келиб чикади. Ф.Энгельс уктурганидек, синфий карама-каршилиқ вужудга келган даврдан бошлаб тарихан халокатга махкум этилган синфлар наздидаги ёмонлик прогрессив синфлар учун яхшилик булиб келган. Тугри, маълум даврдагина яхшилик булиб келган. Масалан, ибтидоий тузумнинг сунгида вужудга келган кулдорлик формацияси бир томондан ёмонлик иккинчи томондан эса яхшиликдир. Чунки унинг урнига (гарчи ёмонлик булса-да) прогрессив хаёт тартиби вужудга келди. Ёки ижтимоий мулкни хусусийлаштириш ёмонликдир, бироқ бу ёмонлик нисбий характерга эга булиб, иккинчи томондан яхшиликдир, чунки адолатли демократик жамиятнинг иктисодий негизи булиб қолади.

Яхшилик хамиша тарихан қонуниятдир ва узининг зидди ёмонликсиз мавжуд булмайдди. Яхшилик ва ёмонлик уртасидаги бу зиддият жамият тараккиётининг негизи булиб ҳисобланади.

Инсон хулқида эса яхшилик билан ёмонликнинг карама-каршилиқ диалектикаси инсоннинг уз-узини тарбиялаб, қамолатга етишишида ички стимулга айланади. Бунда «ёмонлик» бевақт улим, рад қилинган севги, турли қасаллик, хафагарчилик сакланиб қолади.

Яхшилик инсон хаётининг мазмунини ташкил этади. Шунинг учун инсон уз хаёти фаолияти давомида эзгу ишлар қилишда интилиши лозим. Мухаммад Захриддин Бобур ахлокий қарашларида яхшилик эзгуликнинг рамзи қилиб уқтирилади.

Бори элга яхшилиг қилгилки ондин яхши йук,

Ким дегайлар дайр аро қолди фалондин яхшилиг.

Ёки Ҳазрат Алишер Навоий чаманимизни яхшилик гоёлари ила сугорилганлиги билан характерланади:

Бу гулшан ичра йукдир бако гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чикса яхшилик бил от.

Эркин Вохидов эса инсонлар уртасидаги муносабатларда ширин ёлгондан, аччик хакикатнинг яхши эканлигини улуглайди: Яхшидир, аччик хакикат лек ширин ёлгон ёмон.

Адолат бу – тенгликнинг хакконий ва такдирланиш ёки жазоланишнинг зарурий улчовидир. Бошка ахлокий категориялар сингари у хам шахс билан жамият уртасидаги муносабатларни камраб олади. Аникроги, у шахс билан жамият уртасидаги муносабатларни шунчаки камраб олади эмас, балки шахс ва ижтимоий бирликнинг иктисодий, ҳукукий хамда сиёсий ҳолатини кайд килади.

Адолат яхшилик категорияси каби ижтимоий муносабатларнинг хамма томонларига дахлдор. Факат у кишиларнинг кундалик амалий ишлари (такдирлаш жазолаш, меҳнатга караб таксимлаш) билан янада конкретрокдир ва мустахкамрок боғлангандир.

Адолат энг аввало, у баҳолав категориясидир. У ижтимоий онгнинг икки шакли: ахлоқ билан ҳуқуқни бир-бирига боғлаб туради. Этика ва ҳуқуққа доир таълимотлар тарихида адолат мутлоқ ҳуқуқий категория деб талкин этилган. (Спиноза Тоббс, Гегель). Бирок адолат уз навбатида ахлоқий тушунча сифатида намоён булади. Чунки умуминсоний талаблар: ҳаёт ва шахс кадр-кимматини саклаш ҳуқуқи биринчи навбатда мана шу адолат категориясидан урин олган. Иккинчидан, адолат категорияси ҳуқуқ вужудга келмасдан аввал пайдо булган ва кишилар ва жамият уртасидаги муносабатларни тартибга солишга хизмат килган.

Кейинчалик давлат пайдо булди ва ҳуқуқий талаблар ишлаб чиқилди. Ҳуқуқ адолатнинг энг оддий талабларини ёклаб чиқишга мажбур булди. Адолат ҳуқуқий муносабатлар соҳасида катта аҳамият касб этди. Адолат жиноят ва жазо, ҳуқуқ ва мажбурият уртасидаги муносабатларни уз диккат марказига олди. Хуллас, адолат ҳуқуқ нормасининг муҳим ижтимоий-этикавий мезони сифатида майдонга чикди. Адолат ва ҳуқуқ

бир-бирига узаро таъсир курсатади, купинча адолатнинг ахлокий аспекти шу даражада мазкур категориянинг соф этикавий аломатлари йуколиб кетганидан булади.

Адолат факат ижтимоий-сиёсий ходисаларгина эмас, балки шахснинг узаро муносабатларини хам бахолашга хизмат килади. аникроги, кишиларнинг бир-бирларига муносабатларида тенглик нисбати ва жамоат томонидан шахс хулкига карата куйиладиган ахлокий талабларнинг ҳакконийлигини йуналтириб турувчи ахлоққа мос ижобий нормалар йигиндиси сифатида майдонга чиқади.

Муайян ахлоқ системасида қабул килинган, кишининг ахлокий бурч ва мажбуриятлари тушунчасига мос келадиган хатти-харакатлари адолатли хисобланади.

Бошқа миллат, ижтимоий ахвол ва жинсдаги кишининг кадр-кимматини ерга уриш, ор-номусини топташ, халкнинг миллий ифтихорини оёк-ости килиш ва унга бегона иродани зурлаш адолатсизликнинг айнан узидир. Демак. Адолат ахлоқ тушунча сифатида инсоннинг ор-номуси, кадр-киммати, ҳуқуқ ва мажбуриятларини химоя килади.

Баъзи ҳолларда адолатнинг ахлокий мазмуни билан ҳуқуқий мазмуни уртасида зиддият тугилиши мумкин. Масалан, «Болажонгина киз» фильмидаги қахрамоннинг хатти-харакатини ҳуқуқий нуқтаи назардан ноурин ахлоқий нуқтаи назардан уринли деб бахолаш лозим. Унинг хатти-харакати шунинг учун хам ноуринки, у судьянинг котиби сифатида уз амалини суистеъмол килади. яъни ота-онаси ташлаб кетган болаларни уз фарзанди килиб расмийлаштириб олади. Унинг хатти-харакати шунинг учун хам уринлики, у чинакам инсонпарвар шахс сифатида каровсиз колган гудакларни уз химоясига олади. Уларни катта кийинчиликлар билан едириб кийинтиради. Демак, у узининг инсоний бурч ва мажбуриятларига карши бора олмайди. Мана шу уринда адолат намоён булади, адолат юзага чиқади.

Маълумки, адолат тугрисидаги тасаввурлар минг йиллар давомида аста-секинлик билан халк онгидан жой олади. Адолат тугрисидаги дастлабки бундай тасаввурлар аввал эртак ва афсоналарда, кейинчалик орзу ва хаёлларда шаклланади. Масалан. Фаробий, Беруний, Ш.Фурье, С.Симон, Чернишевский таълимотларида адолатли жамият тугрисидаги карашлар баён килинганлиги фикримизнинг исботидир. Инсоният тарихида адолатни англамасдан туриб буюк воқеалар булган эмас. Чинакам социал адолат шахснинг хақиқий эркинлиги ва эксплуатациядан озодлигидир.

Хулоса килиб айтсак, адолат яхши ва ёмон, халол ва харом. Савоб ва гуноҳ ҳисобланмиш хулк, фикр ҳамда карашларнинг ижтимоий улчовидир, яхшилиқнинг қарор топиши ва ёмонликнинг барҳам топишининг энг таъсирчан омилдир.

Эркинлик ва бурч этика фанининг муҳим тушунчаларидан биридир. Эркинлик ва бурч моҳият эътибори билан бир-бири билан алоқадор булган ҳам фалсафий ҳам ахлоқий тушунчалардир. Бурчни эркинликдан ажратиш мумкин эмас, чунки бурчни эркинликдан ажратиш бир ёклама жамиятга буйсундиришни оқлаш булса, эркинликни бурчсиз урганиш эса, ижтимоий ахлоқни инкор қилишга уринишдир. Ахлоқий эркинлик умумий маънода ахлоқий заруриятнинг амалга ошувидир. Ахлоқий зарурат муқаррар хулқдир. Бошқача айтганда жамиятнинг ахлоқий талаблари, урф-одатлари уз маъноси жихатдан объектив заруратдир.

Ахлоқий эркинлик – шахснинг ижтимоий-ахлоқий заруратни англаши, уни ихтиёрий қабул қилиши ва уз хулқ йулини онгли, ихтиёрий танлаши ҳамда узига узи хоқимлигидир. Шахснинг ахлоқий эркинлиги даражаси унинг ахлоқий заруратни қанчалик чуқур тушуниши ва унга изчил амал қилишига боғлиқдир. Бу шу маънодаки, юксак ахлоқли кишига ташқаридан назоратнинг ҳожати йуқ. Бундай кишилар ахлоқий талабларни имон-этикод даражасига қутарадилар. Бундай кишиларга узбошимчалик мутлақо ётдир.

Дархакикат, инсон ахлокий эркин булгандагина, яхши-ёмонни узи эркин ажратгандагина, унинг бошка инсонлар, оила ва жамият олдида маъсуллиги устун булади. Шунинг учун хар бир инсон хамма вақт уз хулкани узи танлаши, яхши ва ёмонни ажрата олиши лозим. Кишида бундай имконият канча кенг булса, унинг маъсулияти хам шунча ортади. Бошкача айтганда, кишилар шахсий маъсулиятни канчалик чукур хис килсалар, улар ахлокий эркинлик имконияти хам шунчалик кенг булади.

Ахлокий бурч – шахс, ижтимоий гурухнинг жамият талабларидан келиб чикадиган муайян вазифаларни чин дилдан бажариш заруратини ифодалайди. Ахлокий бурч – ижтимоий бурчнинг виждон амрига айланишидир. Агар ижтимоий бурч ташки объектив зарурат булса ахлокий бурч эса, жамият талабларининг шахснинг ички эҳтиёжларига, истак-хохишларига айланишидир.

Ахлокий бурч – вазифа, мажбуриятни бажариш, маъсулият тушунчалари оркали руёбга чиқади. Ижтимоий ҳаёт инсон зиммасига маълум вазифаларни юклайди. Инсон мазкур вазифаларни бажармасдан иложи йук. Чунки бу вазифаларни бажариш маълум бир ижтимоий заруратни амалга ошувидир. Шу йул билан ахлокий бурч шахс билан жамият уртасидаги муносабатларни тартибга солиб туради. Бирок ваифалар ва бурч бир хил нарса эмас. Инсоннинг катор вазифалари борки, улар бевосита ахлоқий бурч эмас. (Масалан, гигиеник вазифалар).

Шахснинг ижтимоий ахамиярга эга булган бошка инсонларга ёки жамиятга дахлдор булган вазифалари борки. Улар ахлокий бурч маъносини ташкил этди.

Хуллас, бурчга ихтиёрий амал килинали. Бурчга ихтиёрий амал килиш шахснинг юксак ахлокий онгидан ва букилмас иродасидан далолат беради. Демак, ахлокий бурч жамиятнинг ижтимоий-зарурий талабларига онгли ихтиёрий риоя килиши, уларни ихтиёрий бажаришидир.

Бурчнинг маъноси жуда кенг, яъни у жамиятда купчилик тан олган барча ахлоқ-одоб коидаларини уз ичига олади. Уларнинг хар бирини

бажариш инсоннинг ахлокий бурчидир. Шарк этикаси анъаналарига биноан бурчнинг маъносини ташкил этувчи умумахлокий коидалардан намуналар келтирамиз.

1. Фарз амаллари: оилани таъминлаш, ижтимоий маъсулиятлилик, интизомлилик, нафс-хафога берилмаслик, сузда тугрилиқ узгалар ҳаққига хиёнат қилмаслик, ота-онага ҳурмат, ҳаромдан сакланиш ва ҳоказо.

2. Ваожиб амаллари: Ваъдага вафо, эр-хотиннинг узаро ҳушмуомалалиги, яхшиликка яхшилик қайтариш, гина сакламаслик, айбсиз кишини гийбат қилмаслик, фарзандларга илму-одоб бери шва ҳоказо.

Ахлокий бурч ҳам шахсий бурч, ҳам ижтимоий бурчни камраб олади. Шахсий бурч замирида шахсий фактлар ётса, ижтимоий бурч замирида эса ижтимоий манфаатлар ётади. Шахсий бурчни ижтимоий бурчга карама-қарши қуйиб булмаганидек, шахсий манфаатни ижтимоий манфаатга қарши қуйиб булмайди. Аслида ижтимоий манфаатлар шахсий манфаатларнинг йигиндисидир. Шунинг учун шахсий манфаатлар учун кураш, энг аввало, ижтимоий манфаатлар учун кураш демақдир.

Ижтимоий бурчни чуқур англаш инсонга уз хатти-ҳаракатларини жиддийлик билан уйлаб қилиш, онгли муносабатда булиш заруратини юқлайди. Инсоният тарихи шу нарсага гувоҳки, тараккиётнинг муайян босқичларида бурч ҳисси жамиятни ҳаракатга келтирувчи қудратли қучга айланган. Масалан, Жалолиддин Мангуберди, Спитамен, А.Навоийлар жасорати бунга ёркин мисолдир.

Ижтимоий бурчни бажариш маълум даражада уз-узини синовдан утказиш эканлигини А.Навоий, М.Улугбек. Фаробий, Ибн Сино, Беруний ва бошқа мутафаккирлар ҳаёти фаолиятида қуришимиз мумкин.

Бурч мазмунига қура хилма хил шаклларда намоён булади.

1. Миллий бурч
2. Синфий бурч
3. Оталиқ бурчи

4. Оналик бурчи
5. Фарзандлик бурчи

Инсон касби-кори билан боғлиқ бурчлар.

1. Укитувчилик бурчи
2. тарбиячилик бурчи
3. Шифокорлик бурчи
4. мухандислик бурчи

3. Шаън (ор-номус ва кадр-киммат) ахлокий тушунчалар тизимида ҳам назарий ҳам амалий аҳамиятга булган кенг маъноли тушунчадир. Унинг моҳияти ор-номус ва кадр-киммат тушунчаларининг мазмунида янада тулик юзага чиқади. Шаън, ор-номус ва кадр-киммат тушунчалари ҳам бошқа ахлокий тушунчалар сингари шахс билан жамият уртасидаги муносабатларни тартибга солиб туради. Шунингдек, бу тушунчалар кишиларнинг хулқ-атвориغا таъсир курсатадиган муҳим ахлокий омил сифатида намоён булади.

Кадимги Юнонистонда уз-узини улдиришни ор-номус ва кадр-кимматсиз яшашдан кура афзалроқдир деб ҳисоблаган. «Инсон улса ёки уз уйдан маҳрум булса, дейди Эпиктет, - бу ҳол аянчли эмас, чунки буларнинг ҳаммаси инсонга хос эмасдир. Агар инсон узининг хақиқий мулкини, яъни уз инсоний ор-номусини ва кадр-кимматини йукотса, бу ачинарли ва аянчлидир».

Хуллас, шаън, ор-номус ва кадр-киммат тушунчалари турли даврларда турлича мазмун ифодалаб, секин-аста умуминсоний мазмунга эга булиб борган. Хусусан, ор-номус ва кадр-киммат тушунчалари ибтидоий кишилар ахлокий онгидаёқ вужудга келган. Ижтимоий тенгликка асосланган у даврда ор-номус ва кадр-киммат «шахсий» эмас, балки маълум бир уруг ёки қабила тартиботи сифатида юзага чиққан. Бу дегани шуки, ор-номус ва кадр-киммат коллектив характерида булган, шунинг

учун уруг аъзоларидан бирининг хакоратланиши, аслида, уша уругнинг хакоратланиши деб тушунилган.

Ижтимоий тенгсизликка асосланган цивилизация эса, ор-номус ва кадр-киммат тугрисидаги ахлокий тасаввурларнинг мохиятини тубдан узгартириб юборди. Окибатда, гражданлик кадр-киммати тушунчаси айдо булди. Бу дегани шуки, ижтимоий тенгсизликка асосланган жамиятга келиб шахс давлат доирасида уз кадр-кимматига эга булди. Шу дакикадан бошлаб ор-номус ва кадр-киммат тушунчалари факат озод грагиданларгагина мансуб булиб куллар эса хеч кандай кадр-кимматга эга эмасди, чунки улар инсон каторига кушилмаган.

Урта асрларда рицарлар шахсий кадр-киммат ва ор-номусни харбий шон-шухрат билан чегаралаб мутлоклаштирганлар. Кейинчалик рицарлик кадр-киммати ва ор-номуси замирида дворянларнинг шаън тугрисидаги тасаввурлари шаклланди.

Феодаллар ор-номуси эса, тоифа имтиёзлари ва обрусилар билан боглик булган. Авлод канчалик бой ва куп унвонга эга булса, унинг вакиллари шунчалик аслзода ва хурматга созовор булган. Аждод шон-шавкати шу уруг эгаси булмиш кишининг хакикий беномуслигини беркитиб, авлоддан-авлодга утган.

Хуллас, ор-номуснинг феодал-аристократик тушунчаси ташки дабдаба ва кургазма характерида булган. Содда килиб айтсак «усти ялтирок – ичи калтирок» формада булган. Шунинг учун улар сиртдан одобли куринишга харакат килганлар. Бирок улар ор-номуснинг хакикий мезонини ёки меъёрини, яъни хакоратлаш ва жанг килишнинг умумий коидаларини ишлаб чикканлар. Дуэль улар ишлаб чиккан умумий коидалардан биридир.

Дуэль арзимас даражадаги ёки хакоратланган кадр-кимматни хаётдан кечиб булсада, саклаб колишга хизмат килган., дворянлар тоифаси ор-номусининг зарурий белгисига айланган. Дуэль не-не кобилиятли йигитларни хаётдан эрта куз юмушига мажбур этган. А.С.Пушкин,

М.В.Лермонтовлар дуэль курбонларидир. Умуминсоний ахлоқ нуктаи назаридан эса, дуэль бу ор-номусни химоя қилувчи восита эмас, балки ута кетган ахлоқсизлик машгулотидир.

Аслида умуминсоний ахлоқ нуктаи назаридан ор-номус ва кадр-киммат тушунчаси ҳамма даврларда ва ҳамма халқларда бир хил талқин этилган. Чунки, ор-номус, кадр-киммат, шаън қабилар инсонни олий жонзот эканлигини улуғловчи ахлоқий туйғулардир.

Демак, ор-номус ва кадр-кимматни мутлоқлаштириш ёки аксинча ерга уриш шубҳасиз одобсизлик ҳисобланади.

Инсоният ахлоқий тараккиётида фақат айрим социал гуруҳларгина бу тушунчаларни мутлоқлаштирганлар. Урта Осиё халқлари этикасида бу тушунча муътадил маънода қабул қилинган. Чунки, Шарқ алломалари шаънини қомил инсон учун энг зарурий фазилат ҳисоблаганлар.

Мухаммад пайгамбар уз ҳадисларида шаън, ор-номус ва кадр-кимматнинг шундай муқаммал ва муътадил системасини ишлаб чиққанки, унинг мазмуни раҳимли ва меҳрибон Оллоҳ номи билан боғланган. Унинг нуктаи назарига, инсон-Оллоҳнинг буюқ кашфиётидир. Оламдаги мавжудодлар ичида ундан азизи, ундан мухтарами, ундан улуғи йук. Ҳамма мавжудодлар инсон учундир. Чунки инсон уни улуғловчи ягона ақлли жонзотдир.

Хуллас, улуғ пайгамбарнинг ҳадислари инсонларни ор-номус талашмоқликка эмас, балки уларни эзгуликка, савоб ишларни амалга оширмоқликка ундайди. «Агар сизни бирор киши ҳақоратласа ва сизда йук айблар билан айбласа, уни унда бор айблар билан айбламанг, уни қуяверинг. Шунда гуноҳи унга, савоби сизга булур. Ҳеч қимни ҳақоратламанг» (21)

Демак. Ҳадислар ор-номус ва кадр-кимматга нисбатан ахлоқий етукликни, ҳамда ақлий қамолотни юқори қуяди: «Ораларингизда салом беришни қенг тарқатинглар юбир-бирларингга муҳаббатларинг зиёда булади» (142)

Куришиб турибдики, Шарк этикасида комил инсон, ислом этикасида эса мумин тушунчалари ахлокий етукликнинг рамзи хисобланади. Бу этикада ор-номус, кадр-киммат ва шаън тушунчалари жуда кенг маънода, миллатга, динга, тилга ва имон-этикодга нисбатан талкин этилади.

«Мумин муминнинг кузгусидир, - дейилади Мухаммад алайхисалом хадисларида. – мумин муминнинг биродаридир, ёддан чикканини ёдга туширади, камчилигини коплайди; моли, жони ва ор-номусини химоя килади» (892) ёки «ёнида кушниси оч туриб, узи туйган одам мумин эмас» (682) ва хоказо.

Хулоса килиб айтганда ахлокийлик, инсон аклий етуклигининг мевасидир. Ор-номус, кадр-киммат туйгуларини, бошқаришда акл бевосита рахнамо булмоги шарт. Акс холда шаън тушунчасини тор маънода талкин этиш инсонни ахлокий жихатдан мажрух килиб куйиши мумкин.

Куришиб турибдики шаън кенг ва тор маъноларга эгадир. Шаъннинг кенг маъноси унинг умуминсоний мазмунини янада бойитади ва у охир окибатда ижтимоийлик касб этади. масалан. Она юрт шон-шавкати учун курашмоклик, миллат шаънини химоя килмоклик, оила шаънига дог туширмаслик ва хоказо.

Шаъннинг тор маъноси индивид ахлокий туйгулари билан боглик булиб, унинг ижобий ва салбий томонлари шахс хулкида у ёки бу тарзда намоён булади. Масалан, йигитлик шаънига дог тушириш ёки йигитлик шаънини химоя килиш ва бошқалар.

Шуни унутмаслик керакки, ор-номус ва кадр-киммат инсон ахлокий етуклигининг мухим белгисидир. Бирок хар кандай шаън ва хар кандай ор-номус хам ахлоқ доирасидагина инсон учун зийнат хисобланади. Борди-ю, у ахлоқ доирасидан ташқари чикса, (масалан, дуэль) энди у хакикий шаън ва ор-номус хисобланмайди. Масалан, дейлик, буйига етган опангиз билан бирор йигит гаплашиб турган булса, бу уринда ор килиб у

билан якалашиш, бу энди ор-номусни химоя қилиш эмас. Балки одобсизликдир.

Х.Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон» поэмасидаги Анор хола Омон билан Зайнаб муносабатидаги узаро мойилликни билгач, ор-номусдан қуйиб қул булади. Албатта, Зайнаб билан Омон муносабатини бундай тартибда қабул қилиш одобсизликдан бошқа нарса эмас. Демак. Ор-номус ва шаъни абсалютлаштиришнинг охири одобсизликка олиб боради.

Энди кадр-қиммат тушунчасига келсак, у купрок инсоннинг жамиятдаги конкрет ахволи билан узвий боғлиқдир. Тугри бизнинг «Ўзбекистон Конституцияси» ҳар бир шахснинг ор-номуси ва кадр-қиммати қонун йули билан химоя қилинади. Аммо бу қонунлар шахснинг жамиятдаги конкрет ахволини яхшилаётти, деб бўлмайди. Чунки ор-номус, кадр-қиммат ва шаън қаби ёзилмаган қонунлар (ахлоқ нормалари) мавжудки, булар ҳам шахс билан жамият уртасидаги муносабатларни тартибга солиб туришда муҳим роль уйнайди.

Аввалам бор инсоннинг кадр-қиммати меҳнатга бўлган муносабатига қараб белгиланади. Шунинг учун бизда уз касбининг усталари ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинади. Демак, шахснинг жамият, эл-улус учун қилган меҳнати қанчалик фойдали бўлса, унинг юрт олдидаги кадр-қиммати шунчалик баланд булади. Халқимиз орасида машҳур бўлган Меҳнат қахрамонлари Қори Ниёзов, Мусо Тошмуҳаммад угли Ойбек, Гафур Гулом ва бошқа илму фан даргалари шулар жумласидандир.

Халқимизда «Утирганда урнинг бўлсин» ёки «қорнимга эмас—кадримга йиглайман» деган ҳикматли сўзлар бор. Бу ҳикматлар бевосита инсон кадр-қимматига дахлдордир. Чунки инсон катта оиланинг аъзоси бўлса-ю, урни бўлмаса, катта коллективнинг вакили бўлса-ю, кадри бўлмаса, бундай инсонлар тугрисида ижобий фикрларни айтиб бўлмайди. Фақат инсон узининг яхши фазилатлари билан оилада, коллективда ҳурмат қозонади. Ана шунда унинг утирган урни булади, одамлар орасида кадри баланд булади.

Хулоса килиб айтганда орият, номус, шаън тушунчалари, жамият, эл-улус учун канчалик фойдали булса, унинг умуминсоний мазмуни шунчалик бой булади.

Имон тушунчасини илмий нуктаи назардан урганиш hozirги шароитда ута мухимдир. Чунки бугунги кун ахлокий бузилишларининг сабаби эътикодсизлик ва имонсизликдир.

Имон арабча суз булиб, «амона» яъни «ишонмок» деган феъдан олингандир. Бу категория эътикод, ишонч, ихлос, итоат каби тушунчалар оркали намоён булади. Бу тушунча диний таълимотга хам, дунёвий таълимотга хам баробар дахлдордир. Имоннинг диний маъноси Оллохнинг мавжудлигига, унинг мукаддас китоблари ва охират кунига, шунингдек, улгандан кейин тирилишга ишончдир. Исломнинг «Чахор китоб» ида имон куйидагича таърифланади: «Имоннинг нури – рост сузламокдир, имоннинг хиралиги ёлгон гапирмокдир, имоннинг магизи халолликдир, имоннинг пустлоги шарми-хаёдир, имоннинг уруги – илмдир, унинг каломи сабрдир». Бундан куринадики, имон мураккаб ва куп киррали тушунчадир.

Ахлоқшунослик фанида эса имон эътикод маъносида ишлатилади. Аслида имон ва эътикод айна бир маънодаги тушунчалардир, лекин уларнинг узига хос хусусиятларини фарклаш керак булади. Чунончи, эътикод имонга нисбатан маъноси кенг тушунчадир. Имон эса эътикодга нисбатан катъий ва узгармасдир. Имон эътикоднинг юксак ифодасидир.

Имон ахлокий маънода инсон ва инсониятнинг ахлокий ривожига, кишилар орасидаги муносабатларда умуминсоний ва миллий ахлокий кадриятлар карор топишига юксак ишонч билан карашдир. Имон Ватаннинг улуглигига, инсоннинг кадр-кимматиغا икрор булишдир. Хуллас, имон-инсонийлик, эхсон. Сахийлик, рахм-шавкат, меҳр-окибатдир.

Мухаммад алайхисалом «Хадис»ларида «имон дилдадир» дейилади. Дархакикат, имон шахс калбидадир. Имон инсон рухи ва умуман маънавий дунёсининг пойдеворидир.

Имон эътикодсиз одам маънавий-ахлокий бекарор одамдирки, ундан хар кандай ёмонликни кутиш мумкин. Имон инсонни хатолардан ва гунохлардан кайтаради. Шу маънода имон маънавий кадриятлардан бири хисобланади.

Хулоса килиб айтсак, имон юксак ахлокли умрнинг гаровидир. Юксак ахлоқ эса имоннинг белгиси ифодасидир.

Виждон ва имон бир-бирига боғлиқ тушунчалардир. Аникроги, виждон имоннинг амалий ифодасидир. Виждоннинг лугавий маъноси «диёнат», «инсоф» демакдир. Кишининг уз хатти-харакати, килмиши ва махалла-куй олдидаги маъсулият туйғуси виждондир.

Виждон – шахснинг уз хулкани узи идора кила олишидир. Виждон – инсоннинг жамият олдидаги бурчлари ва мажбуриятларини субъектив англаб олишидир.

Виждон тушунчаси пайдо булишидан олдин хулк-атвор ва урф-одатнинг шаклланиш жараёни, яъни инсон онгининг тараккий этиш жараёни руй берган. Инсон хали узини жамоадан алохида тасаввур кила олмаган даврда жамоада одат тусига кирган хулк коидаларини зарурий нарса сифатида кабул килган. Эхтимол тутилган жазодан куркув хисси бу нормаларга риоя килишга мажбур этган. Бирок инсоний маданият усиши билан виждон тушунчаси ривожланиб, бойиб борди. Аникроги, у ахлокий элементларнинг бирлиги сифатида вужудга келди. Шунинг учун умуминсоний этика виждонни социал туйғу деб карайди. Бу туйғу мехнатда ва ижтимоий практика янада тараккий этди.

Виждон шахснинг ахлокий етуклигини курсатувчи мухим белгидир. У бахолов ва буйрук характериға эгадир. Агар инсон качонки тугри хатти-харакат килса, у узининг бу хатти-харакатидан узиди ички коникиш сезса, ана шунда виждон хотиржам булади. Виждон хам бошка ахлокий

тушунчалар сингари узининг ривожланиш тарзи давомида умуминсоний маъно билан бойиб боради: унда куп жихатдан ахлоқ. Адолат ва инсонийлик коидалари уз аксини топади. Виждондаги умуминсонийлик кишиларнинг уялиш ва пушаймон булиш хиссида намоён булади.

Виждон инсоннинг факат узига уз хатти-харакатларига муносабатинигина эмас. Балки бошка кишиларга муносабатини хам ифода этади. Кимники, манфаатлари халқ, Ватан манфаатлари билан чамбарчас боглик булса, унда виждон хисси теран ривожланган булади. Юксак даражада тараккий этган виждон хиссига эга булган шахс хамиша инсонийлик ва адолат тарафдори булган. Улуг Навоий таъкидлашича, мардлик ва олийжаноблик инсоннинг виждон амри билан уз фукаролик бурчига содиклиги белгиси сифатида намоён булади. Виждонсизда – садокат булмайди. «Комиллар – акли хаёли ва нокаслар беҳаё... Вафосизда хаё йук, хаёсизда вафо йук. Хар кимда бу икки йук – имон йук ва хар кимда имон йук – ондин одамийлик келмок имкони йук» - деб уктиради шоир Навоий.

Виждон одоби инсоннинг хаётида жуда катта тарбиявий роль уйнайди. Уйламай килинган хатти-харакат туфайли инсон бир умрга ёмон отлик булиб колиши мумкин. Айрим холларда виждон азоби инсонни халок килиши мумкин.

Виждон хамма замонларда хам кишилик хаётини тартибга солувчи ахлокий фактор сифатида яшаб келган. Агар жамиятда етук кишилар хаёт кечирсалар, жамиятнинг хаётини бошқарувчи назорат килиш булимининг кераги булмайди.

Хулоса килиб, шуни айтиш мумкинки. Виждон ахлокий ходиса сифатида абадий мавжуд булади, чунки инсоннинг уз-узига бахо бери ишва уз-узини идора килиши хеч қачон уз ижтимоий ахамиятини йукотмайди. Виждон одам деган жонли мавжудотни «хазрати инсон» деб шарафлаш учун асос булла оладиган олий ахлокий туйғудир.

4. Савоб ва гуноҳ ахлокий категориялар системасида (тизимсида) етакчи роль уйновчи тушунчалардир. Ушбу тушунчалар ёрдамида шахс билан жамият, шахс билан шарият уртасидаги муносабатлар у ёки бу тарзда тартибга солинади.

Афсуски, неча йиллар давомида шахс билан шарият уртасидаги муносабатларга фақат диний муносабатлар нуқтаи назаридан ёндашилди. Натижада мазкур муносабатларнинг ахлокий мазмуни назар-писанд қилинмади. Бу эса кишилар ҳулкида ёмон иллатларнинг илдиз отишига сабабчи бўлди.

Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида шаклланиши муносабати билан утмиш маънавий кадриятларига муносабат тубдан узгарди. Хусусан, диний таълимот инсон тафаккурининг муайян меваси, диний рисолалар эса утмиш маънавий меросининг таркибий қисми деган нуқтаи назар кишилар онгида аста-секин шакллана бошлади.

Айниқса, Куръони карим ва Хадиси шарифнинг таржима қилиниши, гоят катта ходисага айланди.

Инсон тафаккурининг асрлар мобайнида синовдан утган ушбу дурдоналари, улардаги ажойиб ташбеҳлар на фақат мумин-мусулмонлар, балки жами башар фарзандлари учун бекиёс ибрат мактаби эди.

Шунингдек, гузал ривоятлар, мукамал хикоятлар, бағоят фойдали панд ва уғитлар мажмуаси бўлмиш Рабгузий китоби, Имом ат-Термизий сингари муътабар зотларнинг пайгамбарномалари ҳам нашр этилди. Холбуки, уларнинг хурофотга ҳеч қандай алоқаси йук эди.

Хуллас, миллий уз-узини англашнинг кучайиши жараёнида кишиларнинг шарқона ахлоққа ва шарқ кадриятларига интилишининг тобора ортиб бораётганлиги бу қонуний ҳолдир. Шунинг учун кишилар утмиш маънавий меросининг жамият ва шахс учун фойдали бўлган томонларини қайтадан қуриб чиқаётир. Булар жумласига:

А) ислом динига янгича муносабатнинг шаклланаётганлиги;

Б) Шариятнинг умуминсоний талаб ва нормалари кайтадан шаклланаётганлигини;

В) Илоҳиёт ва шариатнинг кузга куринган намоёндалари ижодига кизикишнинг кучаётганлигини;

Г) Муҳаммад алайҳисалом «Хадис» лари талкини кенг йулга куйилаётганлигини киритиш мумкин.

Хуллас, мусулмончиликка бундай янгича муносабатнинг шаклланаётганлигини ижтимоий онг тараккиётига тускинлик киладими? Йук, аксинча, инсоннинг ижтимоий борлик тугрисидаги тасаввурларини янада бойитади. Шахсда имон ва эътикод туйгуларини тобора мустаҳкамлайди. Узингиз уйлаб куринг, хар кандай одам хам ёши бир жойга етгач, босиб утган умр йулини сархисоб килади. агар савоб ишларни куп килган булса, унинг виждони хотиржам булади. Шу тарика кунглини хотиржам килади. ёки дорий бакога тайёргарлик куради.

Ислом эса мана шундай сархисобни уз ривоятларида турлича талкин этади. айтишларича иккита фаришта инсоннинг савоб ва гунохларини бутун умр буйи бита дафтарга кайд килиб борар экан. Инсон бандликни бажо келтиргач, унинг савоб ва гунохларини адолат тарозисида тортилар экан. Агар унинг гунохлари куп булса – дузахга, савоблари куп булса – жаннатга киритиш йули билан такдирланар экан.

Албатта бундай ривоятлар инсон хулкини тартибга солишда, савоби тегадиган ишларни куп килишда ва гунохли ишлардан узини тийишда мухим роль уйнайди.

Аслида, хар кандай ривоятлар ва панд насихатлар замирида инсон учун берилган киска умрни мазмунли, бахтли ва фойдали килиб ташкил этиш, Ватан, юрт, эл-улус манфаатлари йулида ёнмоклик, ноахлокий хатти-харакатлардан узини тиймоклик мазмуни ётади.

Шунинг учун миллий хаёт тажрибасига эга булган кишилар ёшларга гунох ишларни килмасликка, гунох ишлардан узини тийишни ва купрок савоби тегадиган ишлар билан машгул булишни насихат килади.

Биз ҳам савоб ва гуноҳ тушунчасининг талкинини мана шу насихатдан бошламоқчимиз. Чунки савоб ва гуноҳнинг чинакам мазмунини англаб олган киши уз хатти-ҳаракатларини муайян даражада тартибга солиб туради. Савоб купрок оқил ва фозил кишилар хатти-ҳаракатларида, гуноҳ эса купрок ақлсиз ва жохил кишилар ҳулкида намоён булади.

Демак, савоб ва гуноҳ тушунчалари ҳам инсон ахлоқий камолоти учун муҳим ва зарурий улчов булла олади. Бошқача қилиб айтганда, савоб-маънавий факрликнинг мевасидир.

Савоб тушунчаси одамийлик, гуманизм, меҳрибонлик ва инсонга нисбатан гамхурлик мазмуни билан сугорилгандир. Савоб-ахлоқий идеалга мос булган шахс ва жамият учун фойдали ҳисобланган хатти-ҳаракатлар тугрисидаги тасаввурлар йигиндисидир.

Гуноҳ эса одамийликка, меҳрибонлик ва инсонга нисбатан гамхурликка тамоман қарам-қарши тушунчадир. Гуноҳ ахлоқий идеалга зид булган инсон камолоти ва жамият таракқиётига тускинлик қиладиган нарсалар тугрисидаги қарашлар йигиндисидир.

Савоб ва гуноҳ тушунчасининг узига ҳос ҳусусияти шундаки, улар ҳам умумий, ҳам ҳусусий тушунчалар сифатида юзага чиқади. Унинг умумийлик мазмуни ахлоқий ҳукм ва ҳусусийлик мазмуни ахлоқий тушунча маъносини ифода этганда қуринади. Масалан, савоб категориясининг ҳукмий (умумий) маъноси унинг одамийлик, гамхурлик, гуманизм тушунчаларида намоён булади. Аниқроғи, бирор факр қимсаннинг ҳожатини чиқариш билан киши савобли иш қилган ҳисобланади. Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларида шундай ривоят ҳикоя қилинади:

«Жаннатга кирдим ва эшиги устида ушбу ёзувни қурдим. Садақага 10 та савоб, қарзга 18 савоб. Дедимки, эй Жаброил, қандай қилиб садақага 10 та савоб, қарзга 18 та савоб? – Дедилар, чунки садақа бойнинг ҳам

факирнинг ҳам кулига тушиши мумкин, лекин карз факат мухтож одам кулига тушади».

Куришиб турибдики, факирга садака килиш ва мухтожга карз бериш савоби тегадиган иш булиб бу хатти-харакатнинг замирида юксак инсонийлик ётади.

Савоб категориясининг хусусий маъноси эса ахлокий тушунча сифатида юзага чиқади. Масалан, инсоннинг юртга, эл-улусга килган яхшилиги ёки фидойлик хатти-харакати савобга дахлдордир. Хусусан, тоза сувнинг исроф булишига йул куймаслик, артизан жумрагини ёпиб куйиш, ерда ётган нон туграмини кузга суртиб эъозлаш, адашган кишини йулга солиш: буларнинг ҳаммаси савобли ишлардир. Бунда савобнинг ахлокий мазмуни намоён булади.

Худди шунингдек, гунох категорияси ҳам узининг умумий ва хусусий маъносига эгадир. Гунох категориясининг хукмий (умумий) маъноси ёвузлик, вахшийлик антигуманизм тушунчаларида намоён булади. Ёши бир жойга етган кишининг шахватга берилиши ёки ёлгондан касам ичиши, ёлгондан гувоҳ булиши, одам улдириш (Катархонадаги котиллик) энг гунох ишлар хисобланади.

Шунингдек, гунох тушунчасининг хусусий маъноси шахснинг хулк атворида намоён булади. Нонни босиш, одам бетига караб тупириш, тоза сувга ахлат агдариш, ёши улуг кишини беҳурмат килиш: буларнинг ҳаммаси гунохдан бошка нарса эмасдир.

Шаркнинг буюк шоири с.Шерозий ижодида шундай хикматли маснавий бор.

Курдинки, кур киши йулинда чоҳдир.

Индамай утирсанг катта гуноҳдир.

Мана, инсон хулкидаги карама-карши холат: шу уринда индасанг савоб иш килган буласан, индамасанг гунох иш килган буласан. Демак, индашлик одамийликка ва индамаслик берахмликка киради. «Савоб дилинг туйган, кунглинг таскин топган нарсадир», - дейлади, Мухаммад

алайхиссалом хадисларида. «Гунох эса хотиринг жам булмасдан, дилинг тулмаган нарсадир».

Хулоса килиб айтганда, савоб гунох тушунчалари бир-бирига карама-карши булган кенг маъноли ахлокий категориялардир. Улар факат инсон хулкида, унинг турли сохаларга йуналтирилган хатти-харакатида ва фаолиятида у ёки бу тарзда намоён булади. Бунда инсоннинг имон-этикоди асосий роль уйнайди. Агар кишининг имони бут ва этикоди мустахкам булса. Уни хеч қачон гунох ишларга ундаб булмайди.

Халол ва харом асосий тушунчалардан хисобланади. Улар ахлокий муносабатларнинг муайян бир жихатларини ифодалайди. Халол – арабча рухсат этилган, тоза деган маънони англатса, харом эса тақиқланган хатти-харакатларнинг ифода этади. Халол ва харом тушунчаларининг объектив асоси жамият ва конкрет шахслар манфаатларидан келиб чиқадиган эҳтиёжларидир. Агар халол жамият учун макбул хулкни ифодаласа, харом ижтимоий зарарли хулк ифодасидир.

Жамият ҳаётида халол ва харомнинг ахлокий меъёрлари катта урин тутуди. Шу билан бирга халол ва харомнинг диний меъёрлари ҳам борки, бу нарса инсоннинг имони мустахкамлиги билан улчанади. Имони бақувват кишиларни харомга бошлаб булмайди.

Халоллик – бу аввало, инсоннинг ижобий ишларидир. Хулкнинг тугрилигини таъминловчи ахлокий этикодга халоллик дейилади. Халол – ижтимоий зарурат булиб кишилар томонидан жамиятнинг ахлокий нормаларига, ижтимоий турмуш қоидаларига онгли ва ихтиёрий амал қилишни назарда тутуди.

Илк уругдошлик даврида халол ва харом тушунчалари таъқиқловчи ёки рухсат этилган ахлоқ талаблари сифатида руёбга чиқа бошлаган. Мулкий нотенглик даврида эса халол тушунчаси янада ойдинлашади. У энди кишилар уртасидаги оддий муносабатлардан ижтимоий гурухлар уртасидаги мураккаб муносабатларни баҳолаш даражасига кутарилди. Хусусан. суфийлик оқимларининг қупчилик вакиллари ҳукмдорлар

бойлигини харом деб ҳисоблаганлар. Чунончи, накшбандийлик тарикати хар бир кишининг уз меҳнати билан тирикчилик утказишини ҳалол яшашнинг ахлокий меъёри деб билган. Деярли барча мутасаввуфлар подшоҳларнинг бойлигини харом деб баҳолаганлар. Шунинг учун улар кишиларни мол-дунёдан юз угиришга чакирганлар. Аникроғи, улар кишиларни мол-дунёга хирс куймасликка даъват этганлар.

Тараккиётнинг кейинги босқичларида ҳалол кишиларнинг ижобий сифатларида; ростгуйлик, поклик, самимийлик, кунгли очиклик ҳамда катъийлик каби фазилатлари оркали намоён булди.

Юқоридагилардан фаркли уларок сони куп жавобларга дучор килувчи, унинг камолотига тускинлик киладиган катор салбий ҳислатлар йидиндиси харом деб ҳисобланади. Харом - ноҳақлик, бухтон, угирлик, фоҳишаллик, ёлгончилик, таъмагирлик, мукофиклик каби иллатларда намоён булади.

Шариатдаги ҳалол ва харом тушунчалари Муҳаммад алайҳиссалом «Ҳадис» ларида кенг талкин этилади. Ҳадисларда ҳалол ва харом амаллар ва уларнинг инсон маънавий камолотига таъсири ҳақида ибратли фикрлар қайд этилган.

Ҳалол амаллардан намуналар: касб-кор билан тирикчилик қилиш, ҳалол ризқ-руз топиш, яхшиликка тенг яхшилик қилиш, омонат ва қарзларни вақтида қайтариш, етимларни қафилликка олиш, ваъдага вафодорлик, гуноҳни савоб ишлар билан ювиш, эҳсон ва садақа қилиш, мухтожларга қарз бериш, туламаса кечиб юбориш ва хоказо.

Харом амаллар б текин даромад ҳисобига яшаш, мунофиклик, омонатга хиёнат, етимлар ва аёллар ҳаққини ейиш, судхурлик, зино қилиш, бидъат-хунофотга берилиш, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, қасамхурлик ва хоказо.

Хулоса қилиб айтсак, ҳалол ва харом ижтимоий ҳаётда, оила ва турмушда узаро муносабатларнинг ахлокий маъносини баҳолаш воситасидир.

Ахлоқ тушунчалари инсон умрининг ва маънавий-ахлоқий камолотининг боскичлари ифодаси хамдир. Умрнинг мазмуни тушунчаси худди шу нуктаи назарга каратилгандир. Аслида, инсон умрининг мазмуни муайян даврларга – усмирликдан ёшликка утиш даврига ва умрни яқунлаш даврига тугри келади. Худди шу маънода Алишер Навоий инсон умрини турт фаслга булиб, узининг машхур «Чор девон»нини ана шу турт фасл номи билан атаган эди:

Биринчиси «Гаройиб ус-сигар» (болалик гаройиботлари)

Иккинчиси «Наводир уш-шабоб» (йигитлик нодирликлари)

Учинчиси «Бадойи ул-васат» (урта ёшлик неъматлари)

Туртинчиси «Фавойи ул-кибар» (карилик фойдалари)

Куришиб турибдики, умр мазмунини мулохаза қилиш шахснинг маълум ҳаёт тажрибасига эга булиши ва ҳаётда уз урнини топиш эҳтиёжи тугилиши билан боғлиқдир. Шу билан бирга умр йулини порлоқ, бегубор булишини орзу қилиш ва ана шу идеалдаги ҳаёт йулига интилиш усмирликнинг охири ва ёшлик (йигитлик) нинг бошланиши вақтига тугри келади. Бу даврда йигит ва киз умрининг янги боскичи – мустақил ҳаёт кечириш даври бошланади. Болалик даври – жамиятнинг ахлоқий талабларини чуқур сингдириш, халол-харомни фарқлаш, бурчни англаш, ор-номусли булиш, замонавий илмларни эгаллаш, хуллас, янги боскичга тайёрланиш давридир.

Умрнинг мазмуни ёшликда инсоннинг уз умр йулини танлаши ва аниқлаши булса, кексаликда эса умрни сархисоб қилиш, ижобий тажрибалар ва панд-насихатларни ёшларга бериш, уларни хатолардан асраш демақдир. Кексалик шунинг учун хам такдирланишга сазоворки, у ҳаётини тажриба ва маънавий манбаидир. Халқимиз «Кари билганни пари билмас», деб бежиз айтмаган.

Умр мазмунини ахлоқий маъноси шахснинг юксак ахлоқли, умри ва унга нисбатан жамоат ва жамиятнинг муносибидир. Шу сабабли инсон умри ижтимоий маъно қасб этади.

Умр мазмуни шахсий нуктаи назардан дунёвий, илмий тушунчадир. Агар диний маънода тақдир инсонга Оллох томонидан белгилаб берилган «вақт» маъносида кулланса, жамоатчилик фикрида тақдир инсон умрининг ҳамма жабхаларини, яхши ва ёмон томонларини, ютук ва нуксонларини, кувонч ва ташвишларини уз ичига олувчи тушунча сифатида кулланилади.

Хуллас, тақдир тушунчаси ахлокий тушунчадир. Тақдирнинг ахлокий маъноси шахс хулкининг натижасини ифодалайди. Инсон умрининг мазмунини у танлаган ва босиб утган йул, жамиятга ва одамларга қилинган яхшиликлар, фойдали ишлар тарбиялаб вояга етказган солих фарзандлар, олий мақсадлар ва илгари сурилган етук ахлокий гоълар ташкил этади.

Умрнинг мазмунини ахил оила қуриш ва умр йулдошини оқилона танлаш ташкил этади. Чунки оиланинг бузилиши қупинча инсон тақдирини тугри издан чиқишидир. Халқимиз келин-қуёв танлашга жуда жиддий муносабатда булган, келин-қуёв булишнинг «етти пуштини» суриштирган, соғлиги, тарбиясига алоҳида эътибор берган. Хатто махсус меҳнат азоб синовлари утказган.

Умрнинг мазмунини ҳалол, пок, олийжаноб мақсадлар ва уларга изчил интилиш ташкил этиши лозим. Кундалик турмушда эса ҳаётӣ кадрӣятларни баҳолаш ва танлашда хом ҳаёлларга, сароб мақсадларга эришишнинг хилма-хил шакллари учратамиз. Булардан энг қулай тарқалгани мол-мулк туплашни умрнинг бош мақсади қилиб олишдир. Бундай шахслар мол-дунё қули булиб қоладилар, уз соғлигини, орномусини, хатто уз оиласини, яқинлари билан муносабатни шу мақсадга қурбон қиладилар. Бу ҳол узига ҳос руҳӣ иллатқи, у инсонни муқаррар маънавий инқирозга олиб қелади. Бу тоифа одамларга нисбатан Шайх Саъдий шундай деган: «Мол-дунё умрни осойишта утқазिश учун берилган. Умр мол-дунё учун берилган эмас».

Сароб мақсадлардан яна бири ҳавоӣ нафсга берилишдир. Ҳавоӣ нафс йулига кириш гайри ахлокий умрдир. Пайгамбаримиз «Ҳадис» ларида бу ҳақда шундай дейилади: «Узимдан кейинги қоладиган умматлар учун уч нарсадан курқаман: 1-нафс-ҳавога берилиб, йулдан озишдан, 2-нафсоний ва шаҳвоний хиссиётларга берилиб кетишдан, 3-илму-маърифатга эга була туриб гофиллик ишини тутишдан».

Аллома Жалолиддин Румий айтганларидек, инсон бу дунёга ейишичиш, кийиниш ва беҳуда гапларни гапириб, умрни зое кетказиш учун эмас, балки улугвор эзгу вазифаларни бажариш учун келгандир.

Хулоса килиб айтганда, инсоннинг ахлокий принциплари умрнинг маъносини кандай тушинишга ҳам боғлиқдир. Уз умрининг маъносини тугри тушуниб олган ва унга мувофиқ яшаган киши ахлокий мангулик касб этади, чунки у жамият ичида, узи тарбиялаган кишилар сиймосида ҳамда дадиллик билан илгари сурган гоёларида мангу яшайди. Шандор Петефе айтганидек, буюк инсонлар яратган асарлари улар илгари сурган гоёларнинг қабри булса ажаб эрмас.

Фойдаланилган адабиётлар

1. И.А.Каримов «Оллох калбимизда, юрагимизда», Тошкент, 1999 йил.
2. Й.Жумабоев. «Урта Осиё этикаси тарихи очерклари». Тошкент. 1980 йил.
3. Хадисларда ахлоқ-одоб масалаларининг ривожлантирилиши. Тошкент, 1990 йил.
4. Урта Осиё халклари хурфикрлиги тарихидан. Тошкент, 1990 йил.
5. У.Тоштемиров, Х.Сопохонов. «Ахлокий кадриятлар», «Тафаккур», 1993 йил.
6. Х.Сопохонов. «Навоийнинг одоб гулшани». Тошкент, 1991 йил.
7. Х.Сопохонов. «Социал адолатнинг тантанаси». Тошкент, 1999 йил.
8. Донишмандлар ахлоқ-одоб хақида. тошкент, 1986 йил.
9. Усмонов. «Одобнома», Тошкент, 1991 йил.
10. Юсупов Э., Исмоилов Ф. «Инсон баркамоллиги», Тошкент, 1990 йил.
11. Маннонова Х.А. «Шаън категорияси», Тошкент, 1974 йил.
12. Кайковус. «Кобуснома». Тошкент, 1986 йил.

5-Мавзу: Ахлоқнинг асосий тамойиллари. (2-соат)

Режа:

1. Ватанпарварлик тамойили.
2. Инсонпарварлик тамойили.
3. Байналминаллик тамойили.
4. Меҳнатга ҳалол муносабат тамойили.

Таянч тушунчалар:

Ахлоқий тамойил, норматив баҳо, хатти-харакатлар типии, мажбурийлик хусусияти, умуминсоний ватанпарварлик, умумхалқ ватанпарварлиги, халқлар дустлиги, меҳнатнинг ахлоқий қиммати, эркин ва озод меҳнат, меҳнатдаги ижодийлик, меҳнат интизоми, гуманизм, моддий ва маънавий эҳтиёжлар, халқлар озодлиги ҳамда мустақиллиги.

1. Ахлоқий принциплар (тамойиллар) тарихан нисбий бўлишига қарамай, улар бари-бир объективдир. Чунки ахлоқий тамойилларнинг мазмунини ижтимоий практика белгилайди.

Умуминсоний ахлоқнинг тамойиллари утмиш прогрессив ахлоқининг принципларини танқидий ушлаштириш асосида вужудга келган. Ана шундай принциплар жумласига ватанпарварлик, инсонпарварлик каби тамойилларни киритишимиз мумкин.

Ватанпарварлик – ватанга муҳаббат унга содиқлик, унинг манфаатлари йулида виждонан меҳнат қилиш, ўзни фидо қилиш демақдир. Ватан – бу одам тугилган, тарбияланган, меҳнат қувончини тотиган, шу одам мансуб бўлган халқ тарихи боғланган ҳамда тарихан шаклланган ижтимоий-иқтисодий, социал-сиёсий ва маданий муҳитдир. Ватан қуп қиррали тушунчадир, бу маълум халқ яшайдиган территория, социал-иқтисодий тузум, маиший ҳаёт, маданият, тил, миллий анъаналар, яъни инсон яшаётган моддий ва маънавий ҳаёт шароитлари йигиндисини ўз ичига олади.

Ватан тушунчаси тор маънода инсоннинг киндик кони тукилган муайян тупрок билан боғланади. Худди шу маънода «Ватан остонадан бошланади» деб бежиз айтилмаган.

Ватанпарварлик ижтимоий, тарихий ва ахлокий хис сифатида одамнинг ижтимоий эволюцияси давомида пайдо булган.

Унинг дастлабки белгилари ибтидоий жамоа давридаёқ курина бошлаган. Уруг аъзолари уртасидаги кон-кариндошлик ватанпарварликнинг негизи булиб хизмат килган. Синфий жамият пайдо булиши билан ватанпарварлик факат уз уругдошларига, она ерга, она тилига, урф-одатларга табиатан боғлиқ хис булмай колган.

Шуни алохида таъкидлаб утиш лозимки, ватанпарварлик гоёларининг эволюцияси факат чукурлашибгина колмай, балки ватанпарварлик географияси ҳам кенгайиб борди. Масалан. Ибтидоий жамиятда ватанпарварлик бир уруг доирасидаги чегарани камраб олган булса, юнонлар даврида вилоятни, феодализмда эса бутун бир юртни камраб олганлиги билан характерланади.

Урта Осиё халкларининг арабларга ва мугул боскинчиларига карши олиб борган кузатувларида ватанпарварлик туйгуси юксак даражада ривожланганлигини кураамиз.

Масоғет кабиласи бошлиги Тумариснинг сак халкларининг жасур фарзанди Широқнинг ақл бовар килмас даражадаги жасорати ватанпарварликнинг олий чуққисидир. Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди каби тарихий шахсларнинг чет эл боскинчиларига карши курашда ватанпарварлик кудратли кучга айланганлигини гувоҳи булаамиз.

Бир улуг мутафаккир «бир Ватанда тугилган ҳамма ҳам ватанпарвар деган унвонга лойиқ булавермайди», деб ҳақ гапни айтган экан. Бошқа бир донишманд эса, «Тугишган аканг ёмон булса, уни севмаслик мумкин, лекин ватанни севмаслик асло мумкин эмас», деб таъкидлагани айнан ҳақиқатдир.

Буюк рус танкидчиси Н.Г.Чернишевский ватанга мухаббатни энг буюк инсоний туйгу деб билган. У халк билан хамнафас, хамфикр булган шахсни, ватани учун жонини хам аямайдиган, халк маданияти, тили, тарихий тараккиёти учун курашда жонбозлик курсатган одамларни хакикий ватанпарварлар деб атаган. Хазрат Алишер Навоий эса хар бир инсоннинг тарихий мавкеи ватан олдидаги хизматлари билан, инсоний фазилатлари эса, унинг ватанпарварлиги билан белгиланади, деган хулосага келган, шунингдек навоий одамийликда – ватанпарварликни ва ватанпарварликда эса юксак одамийликни курган.

Одами эрсанг демагил одами,

Ониким йук халк гамидин гамии.

Хуллас, ватанпарварликнинг олий куриниши умумхалк ватанпарварлигидир. Умумхалк ватанпарварлиги юксак гоюлар ва эзгу идеаллар билан сугорилганлиги билан характерланади. Ватанпарварликнинг акси ватангадоликдир. Ватангадолик эса имон-эътикодсизликнинг мевасидир.

Шунинг учун хам пайгамбаримиз «Хадис»ларида «Ватанни севмок имондандир» дейилади. Ватанпарварлик шу улуг улканинг угил-кизларидан куйидагиларни талаб килади.

1. Ватаннинг бахт-саодати йулида халол мехнат килишни;
2. Ватан табиатини куз корачигидек асрашни;
3. Ватан сархадларини сергаклик билан химоя килишни;
4. Илм, фан ва техника тараккиётига улуш кушишини;
5. Керак булса, Ватан учун жонини фидо килишни ва хоказо.

Ватан, юрт, улка каби тушунчалар инсоннинг калб томирларига чирмашиб турган мухим бугинлардир. Бу сиз калб бум-буш идишга айланади. Узбекистон узбекнинг жон-танидир. У

Бир улкаки, тупрогида олтин гуллайди.

Бир улкаки, кишларида шивирлар бахор.
Бир улкаки, сал курмаса куёш согинар,
Бир улкаки, гайратидан асаби чакнар,
Бахт тошини чакиб бунда куч гувиллайди.
(Ойбек)

2. «Гуманизм» сузи лотинча «humanus» дан олинган булиб, инсоний ва инсонга хос деган маънони англатади. Хозирда гуманизм - инсонпарварлик деганидир.

Гуманизм – инсонга булган меҳрибонлик, чуқур инсонийлик, гамхурлик, инсон озодлигини ва ҳар томонлама ривожланишини акс эттирувчи олийжаноб туйғудир. Гуманизм ахлоқнинг бош принципи булиб, кишиларнинг хулқини, бир-бирига гамхурлигини инсоннинг куч-қудратига ишонч руҳида тартибга солиб туради. Гуманизм сиёсий принцип сифатида давлатнинг инсон камолоти учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган фаолиятни қўзда тутди.

Гуманизм умуминсоний-ахлоқий тамойил сифатида тарихан ривожланиб борди, такомиллашди, озодлик учун қўрашаётган халқ оммаси манфаатларини ифодалаб, чуқур маънавий мазмунга эга бўлди. Ҳамма замонларда ҳам инсонпарварлик тамойилнинг мазмунини ҳукмрон дунёқарашлар белгилаб берган. Масалан, қўлдорлик тузумида қўлик расмий равишда табиий институт ҳисобланарди. Қўл эса «жонли мулк», «жонли қўрол» эди. Бу даврда фақат озод одамларгина қўнуний равишда тенглик, инсонийлик кадр-қимматига эга бўлганлар. Қўлликнинг ноҳақлиги, эрқаклар билан аёлларнинг тенг ҳуқуқлиги каби гуманистик гоёлар ҳурланганларнинг қўлдорларга қарши қўрашида мафқуравий қўрол ролини уйнаган.

Христианлик пайдо бўлиши билан Худо олдида ҳамма гуноҳқор банда эканлиги гоёси илгари сурилди. Барча одамларга меҳрибон бўлиш, душманни ҳам дўст билиш, ҳурланганлар учун дўстлик ва биродарлик

туйгуси булиб колди. Христианлик хукмрон мафкурага айлангач, омма орасида муминлик, итоатгуйлик, уз-узини камситиш ва мавхум мухаббат гояларини таргиб эта бошлади. Урта асрларда христиан гуманизми эксплуататор ва хурланувчиларни инсонпарварлик байрогги остига тупланишига даъват этиб келди.

Уйғониш даврида эса гуманизм гоялари кудратли гоявий окимга айланди. Уйғониш даври гуманистлари Ф.Петрарка, А.Данте, Леонардо да Винчи, Л.Бруно кабилар инсонни ижтимоий келиб чикишига караб эмас, балки унинг шахсий хизматларига караб бахолар эдилар. Улар гуманизмни тугридан-тугри христианлика карама-карши куйдилар.

Уйғониш даври гуманизми мукамал, хар томонлама тараккий этган шахс идеалини инсон ақл-заковатини улуглашни, инсон шахсининг кадр-кийматини юкори куйишни катъий талаб килди.

Уйғониш даври мутафаккирларининг гуманистик гоялари Англия илгор мутафаккирлари хамда француз маърифатпарварларининг назарияларида давом эттирилди. Улар узлари таргиб этаётган шахс эркинлиги ракобат ва каттик эксплуатация эканлигини тушуниб етмадилар феодализм мулкчилик ва эксплуатациянинг феодализм шаклини йукотиш каби илгор гуманистик гояларни илгари сурдилар. Бирок умуман хусусий мулкчиликка ва умуман эксплуатацияга карши чикмадилар. Бундай чекланишларни социал утопистлар. (Сен Симон. Раберт Овэн ва Шарлс Фруьслар) уз асарларида очиб бердилар. Социал утопистлар гуманизм тушунчасига янги социал мазмун киритдилар. Улар уз таълимотларида одамнинг одамга шахсий карамлигига карши, сиёсий зулумга карши норозилик билдирдилар. Улар нелунлар уртасидаги муносабатларда тенглик, адолат ва одамийлик булишини талаб этдилар. Масалан Ш.Фурьс эркаклар билан аёллар тенг хукукли булиши керак деган гуманистик гояни илгари сурди. Лекин улар гуманистик максадларга эришиш йулларини билмасдилар.

XX асрга келганда гуманизм инсоният жамиятининг уневерсал тамойилига айланди. Бу энг аввало, етук гуманистик идеалларнинг ижтимоий хаётда реал иродасини топаётганлигида намоён булди. Аникроги, гуманизм умуминсоний мазмун билан бойиди ва янада тараккий этди.

Умуминсоний гуманизм биринчидан, инсонпарварликнинг хамма куринишларини; меҳрибонлик, самимийлик, гамхурлик, зуравонликдан химоя килиш, кайгу ва мухтожликдан куткариш, колаверса, меҳнат ахлига хурмат ва мухаббатда булишни уз ичига олади.

Умуминсоний гуманизмнинг талаблари инсонни тахкирлашга, эзилишига, ожизликка олиб келган, разолатга солган хамма муносабатларни йукотишга, шу асосда кишилар уртасида инсоний муносабатларни урнатишга каратилгандир.

Буюк рус ёзувчиси М.Горький гайриинсоний гуманизмнинг мохиятини куйдагича фош этган эди. Буржуа гуманистлари хайвонларни химоя килиш жамиятининг азолари булиш билан бирга Европанинг маданий шаҳарлари кучаларида полиция ишчиларини дупаслаётганликларини бефарк кузатиб туришлари мумкин. Улар куёнлар, кучуклар хаётини мухофаза килишлари ва шу вақтнинг узидаёк империалистик урушларни, ун миллионлаб кишиларнинг кириб ташланишини, капиталистик давлатларнинг вахшиёна сиёсатини оклашлари мумкин.

Адолатли жамиятнинг табиати инсонпарварлик асосига курилгандир. Бизнинг замонамизга келиб гуманизм янада чуқур маъно касб этиб, юксак маънавият мазмун билан бойиб бормокда.

3.Интернационализм – умуминсоний ахлоқнинг энг мухим принципи булиб, миллатлар ва халклар уртасидаги зиддиятларни тугатиш учун курашда меҳнаткашларнинг халқаро хамкорлиги хиссида номоён булди.

Интернационализм миллатлар, давлатлар уртасидаги муносабатлар тамоили сифатида узининг муайян тарихига эга десак хато булмайд.

Интернационализм – яъни байналмиаллик турли халклар ва клларининг узаро алокалари жараёнида улар уртасидаги муносабатларни тартибга солиб, ахлокий тамойил тарикасида намоён булди ва хар бир кишининг конкрет хулкида куринади.

Айрим адабиётларда байналминалликнинг сиёсий маъносига катта эътибор берилади. Натижада, унинг халклар ва миллатлар уртасидаги муносабатларни тартибга солувчи тамойил сифатида шаклланишини ишчилар синфининг халқаро бирдамлигининг вужудга келиши билан боғлаб талкин этилади. Албатта биз бу фикрни инкор этмокчи эмасмиз, балки миллатлараро дустлик, биродарлик, хамкорлик каби муносабатлар ишчилар синфи тарих сахнасига чикмасдан аввал хам мавжуд эди, демокчимиз. Масалан, тожик халки билан узбек халки уртасидаги дустлик, хамкорлик муносабатларининг урнатилиши узок утмишга бориб такалади десам муболага булмас. Миллатлараро кардошлик муносабатлари тугрисидаги гуманистик гоёлар утмиш мутафаккирлари асарларида, хусусан, А.Навоийнинг «Фарход ва Ширин» достонида илгари сурилган ёки А.Навоий билан А.Жомий уртасидаги муносабатларда икки халкнинг биродарлик уз аксини топган ва хоказо.

Байналминаллик ахлокий тамойил сифатида миллий манфаатларнинг уйгунлашувида намоён булади. Бу дегани шуки, бир миллат бошка миллатнинг тили, маданияти ва урф-одатларини хурмат килсагина, улар уртасидаги муносабатларда чинакам дустлик туйгулари карор топади. Интер-аро, -нация-миллат, яъни миллатлараро дустлик деган маънони англатади.

Бизнинг республикамизда 120 дан ортик миллат ва элат вакиллари яшайди. Узбеклар бошка миллат ва элат вакилларига дустлик ва биродарлик мехри билан муносабатда буладилар. Ютимизда узга миллат вакиллари фарзандларининг улгайиши, укиб таълим олиши учун бирга шарт-шароитлар яратилган. Бундан куринадики, байналминаллик туйгулари ахлокий тамойил сифатида катта таъсирга эгадир. Аникроги,

халклар дустлиги этикавий норма сифатида куп миллатли юртимиз фукароларининг конига ва жонига сингиб бормокда. Мустахкам дустликсиз меҳнаткашлар моддий фаровонлигининг ушибини, барча миллат ва элатлар маданиятининг хар томонлама юксалиши ва гуллаб-яшнашини таъминлаб булмайди.

Хулоса килиб айтсак, байналминаллик тамойили сиёсатда хам, ахлоқда хам тинчлик, адолат, халклар уртасидаги муносабатларда илгор манфаатларни кузлагани учун, енгилмас сиёсий ва этикавий кучга айланиб бормокда.

4. Меҳнатга янгича муносабат тамойили ахлокий принцип сифатида янгича иктисодий муносабатларнинг махсули сифатида вужудга келди. Албатта меҳнат ва унинг инсон камолотидаги урни ва роли хакида янги гап айтиб булмайди. Бирок меҳнатнинг инсонни шаклланишидаги ахамиятини гапирмасдан утиб хам булмайди.

Меҳнат – инсоннинг моддий ва маънавий бойликлар яратишга, умуминсоний тараккиётни таъминлашга каратилган фаолиятидир. Буюк немис файласуфлари асарларида меҳнат хаётни яратиб бориш ва кишилик жамияти тарихининг асоси деб талкин этилади. Уларнинг кайд этишича, меҳнат жараёнида ижтимоий хамкорлик формалари вужудга келади, бирдамлик ва интизом хакидаги, мухаббат ва нафрат тугрисидаги, яхшилиқ ва ёмонлик хакидаги тасаввур ва тушунчалар шаклланади. Узро ёрдам, насл-насабга гамхурлик, инсонга нисбатан хамдардлик сингари ахлокий одат ва анъаналар таркиб топади. Инсон факат меҳнат фаолияти жараёнидагина уз-узини карор топтиради. Уз қобилиятларини устиради. Йукса инсон, меҳнатсиз уз инсоний мохиятини йукотади.

Меҳнатнинг ахлокий киммати ва унинг инсонга таъсир даражаси конкрет социал-иктисодий шароитларига богликдир. Кайси бир жамиятда инсон меҳнати учун етарли шарт-шароитлар яратилган булса, бундай жойда меҳнатнинг инсонга ахлокий таъсири шунча кучли булади. Яъни у инсонни кашфиётчи, жасур, чидамли ва бардошли килиш билан бирга,

унда интизомлилик, уюшқоклик, курашда фидокорлик сингари ахлокий сифатларнинг шаклланишига ёрдам беради. Борди-ю, инсоннинг меҳнати учун муайян даражада шарт-шароит яратилмаган булса, унда меҳнат бегоналашади ёки мажбурий нарсага айланади. Бундай меҳнатга инсон жирканиб қарайди, уни нафратланиб бажаради ундан қутилиш йулларини излайди. Бундай меҳнат мажбурий яшаш воситаси бўлиб хизмат қилади, холос. Шунинг учун ҳам бундай шароитда меҳнатга шахснинг ахлокий характеристикаси деб қараш мумкин булмайд қолади.

Аксинча, меҳнат қанча эркин, ижобий булса, унинг ахлокий қиммати шунча мустақкам қарор топади. Эркин меҳнат кишининг хақиқий инсоний моҳият қасб этишига ёки буюқ файласуфлар таъбири билан айтганда «узлигига қайтаришига» ёрдам беради. Меҳнатга муносабат шунинг учун ҳам ахлокий тамойилки, меҳнатнинг ижодийлашиши билан унга муносабат ахлокий характер қасб этади. кишиларда ташаббусқорлик, фидокорлик, ҳалоллик, ҳаракатчанлик қаби юқсак ахлокий сифатлар шаклланади. Меҳнатга янғича муносабатда – меҳнат интизоми муҳим урин тутайди. Чунки бизда меҳнат интизоми зуровонлик ёки мажбур қилиш асосига қурилган эмас. Бизда меҳнат интизоми онгли муносабатлар асосига қурилганлиги билан характерланади.

Бирок шуни алоҳида таъқидлаш лозимки, янғича меҳнат интизомини қарор топтириш янғининг эски билан қаттиқ кураши орқали, ихтилофлар, эскича анъаналарга ёпишиб олган кишиларга нисбатан зурлик ишлатиш йули билан амалга оширилади. Бизда меҳнат интизомини бузган киши ахлокий жихатдан нуқсонли ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтсак, қақат эркин меҳнат ва онгли интизомгина узининг ижодий жихати билан умуминсоний ахлоқнинг нормалари ва принципларини ривожлантириш ёки мустақкамлаши мумкин. Ахлоқан етук кишилар узларини меҳнатсиз тасаввур қилиша олмайди, чунки меҳнат умрнинг ички эҳтиёжига, энг яхши ҳусусият ва фазилатларни намоён қилишнинг олий формасига айланиб боради. Шундай вақт

келадики, инсонни меҳнатдан четлаштириш унинг учун энг огир жазо булиб қолади.

Адабиётлар

1. И.А.Каримов. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин», Тошкент, 1996 йил.
2. И.А.Каримов. «Адолатли жамият сари», Тошкент, 1998 йил.
3. И.А.Каримов. «Ўз келажагимизни ўз қулимиз билан қурамыз», Тошкент, 1999 йил.
4. Э.Юсупов. «Маънавий қамолот омиллари», Тошкент, 1995 йил.
5. У.Тоштемиров, Х.Сопохонов. «Ахлоқий қадриятлар», «Тафаккур», 1993 йил.
6. У.Тоштемиров, Х.Сопохонов. «Ахлоқшунослик лугати», «Тафаккур», 1996 йил.
7. Усмонов М. «Одобнома», Тошкент, 1991 йил.
8. Шайхова Х.А. «Инсон ва унинг маънавий дунёси». Тошкент, 1993 йил.

6-Мавзу: Никох ва оиланинг ахлокий асослари. Ахлокий тарбия.

Режа:

1. Мухаббат - инсоний муносабатларнинг мураккаб соҳаси.
2. Никох ва оиланинг келиб чиқиши, моҳияти ва ижтимоий келиб чиқиши.
3. Ахлокий тарбия муаммолари.

Таянч тушунчалар:

Севги, маънавий уйғунлик, интим туйғулар, севишдаги умуминсонийлик, никох, оила, авлодни давом эттириш, оила ва никохнинг шакллари, ижтимоийлашган шахс, ахлокий тарбиянинг объектив ва субъектив омиллари, ахлокий тарбия муаммолари.

1. Мухаббат жуда кенг маънодаги ахлокий-эстетик ҳиссиётдир. У инсон шахсининг узини эркин намоён қилиш соҳаларидан бири бўлиб, инсоний муносабатларнинг муҳим томонини ташкил этади. Эркак билан аёл уртасидаги сеvgи юксак эстетик ҳис бўлиб, катта ахлокий таъсирга эгадир. Чунки, у инсонни узини-узига, уз хулқи ва одамлар билан буладиган муносабатларига, уз меҳнат фаолиятига танқидий муносабатни шакллантиради. Уз келажаги ҳақида жиддий уйлашга мажбур қилади.

Севги инсон ҳаётига нур ва гузаллик беради, битмас қувонч, ижодий илҳом ва такрорланмас ёркин ҳислар бахш этади.

Дунё экан ишқ деган савдо,

Борми менинг ёлғиз бошимда.

Кимни этмас бу ҳаёт шайдо,

Ким шеър ёзмас менинг ёшимда.

(Э.Воҳидов)

Севги инсонга канот беради, уни юксакликка кутаради, ҳатто у муъжизалар яратади. Севгида жуда хилма-хил ҳислар: азоб ва завқ, қувонч ва қайғу, кутаринкилик ва тушқунлик бир-бирига чирмашиб кетган булади.

Узокларни кумсайди калбим,
Узокларга кунсайди калбим.
Ёнгинангда ёниб юргандан,
Узокларда сунсайди калбим.

(М.Муродова)

Севги мақсад эмас, балки бахтли оила куриш воситасидир. У икки муносабатда тугилади. Биринчиси табиий муносабат, иккинчиси эса ижтимоий муносабат. Табиий муносабат авлодни давом эттириш инстинкти билан боғлиқ бўлса, ижтимоий муносабат эса, эркак билан аёл муносабатларининг инсонийлашуви ва улар уртасида маънавий уйғунликнинг пайдо бўлиши демакдир.

Севгида табиий-биологик майллар ва ижтимоий томонлар уйғунлашиб кетади. Бирок инсонийлик табиий майлларни белгилайди, йул-йуриққа солиб туради.

Севгидаги дастлабки ҳолат ташки кифанинг жозибасига мафтунликдан бошланади. Натижада, чирой пайдо этган ҳиссиёт севги даражасига кутарилиши, узининг хақиқий мазмунга эга бўлиши учун йигит билан киз бир-бирларида маънавий уйғунликни топишлари керак бўлади.

Севгининг шаклланиши тарихий ҳодисадир. Хар бир йигит ва кизнинг калбида севги идеали бўлади. Киши уз идеалидаги инсонни учратса, узини узи тулик англаб етади. Шу сабабли «Севгининг хақиқий моҳияти, - деб ёзади Гегель – уз-узини англашдан воз кечиш, (Мажнунни эсланг) узини бошқа «мен» да унутиш, аммо шу гойиб бўлиш унутишда биринчи марта уз-узини топиш, уз-узига эга бўлишдир».

Табиатни узгартириш давомида инсоннинг узи ҳам узгариб, маънавий бойиб боради. Бу маънавий тараккиёт муҳаббат соҳасида ҳам, унинг мазмунида, инсонийликнинг турлича намоён бўлишида кузга танланади. Инсоният маданияти усгани сайин унинг севгиси ҳам шу қадар буюк ижтимоий ахлоқий ҳиссиётлар билан бойиб, гузаллашиб боради.

Севги интимлиги, индивидуаллиги ва хусусийлигига карамай, ижтимоий хис сифатида урф-одатлар махсулидир. Буюк немис файласуфи Ф.Энгельс узининг «Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши» асарида севги хиссининг эволюциясини илмий далиллар билан курсатиб берган эди.

Демак. Севги ижтимоий хис сифатида тарихий характерга эга. Биз йигит билан киз уртасидаги мухаббат инсоният тарихий тараккиётининг муайян боскичида пайдо булиб, доимо узгаришга дучор булганлигини яна бир марта таъкидлаб утмоқчимиз. Севги муносабатлардаги узгаришлар жaxon санъати ва адабиётда жуда яхши акс эттирилган. Петрарка, Шекспир, Пушкин, А.Навоий, Огахий, Толстой, Хеменгуэй асарларида севги турлича тасвир этилади, аммо бу хилма-хиллик улардаги умуминсонийликни инкор этмайд.

Хуллас, севги хамиша акл нури билан мунаввар булмоги лозим.

2. Оила билан ижтимоий организмдир. Унда кишилик авлодини давом эттириш, иктисодий муносабатларнинг тартибга солиш хамда инсонни тарбиялаш каби вазифалар амалга оширилади. Оила инсоний характерлар, такдирлар ва узаро муносабатларнинг мураккаб олаmidан иборатдир. Оилавий хаётнинг мухим негизи, унинг таъсирчан ва белгиловчи пирнципи жинслар уртасидаги инсоний муносабатларнинг олий формаси булган севгидир.

Оила ва никох бир хил маънодаги ьушунчалар эмас. Оила, никох ва кон-кариндошлик билан боғланган кишиларнинг тарихан шаклланган иттифокидир. Оила никох асосида вужудга келади.

Никох йигит билан кизнинг узаро келишуви асосида тузган иттифокидир. Никох хам шариат хам конуний йул билан мустахамланади. Никох туфайли оила вужудга келади.

Ибтидоий жамоа тараккиётининг дастлабки боскичларида умуман оила булмаган. Жинслар уртасидаги муносабатлар бетартиб булган.

Болалар уругдошлик куламида ижтимоийлашган. Бу дегани шуки, уругдаги болалар хамма отанинг хамма онанинг боласи хисобланган.

Кейинрок куп асарлар давом этган бетартиб алокалар урнини группавий, никох олган. Демак, никохнинг тарихий шаклларини шартли равишда куйидагича тартиблаш мумкин:

1. Тартибсиз никох;
2. Группавий никох;
3. Жуфт никох;

Вакт утиши билан жамият йул куйиб берган эркин алокалар доираси торайиб борган. Группавий никох секин-аста жуфт никохга урин ажратиб берган. Уз навбатида жуфт никохдан моногам оила усиб чиккан. Моногам оиланинг пайдо булиши буюк тарихий прогресс эди. Бунинг прогрессивлиги шунда Эдики, эр-хотин уз жуфти халолени танлаш эркинлигига эга булди.

Моногам оила пайдо булгач, аёл узининг аввалги мавкеини йукотди. Энди у эркакка карам булиб колди. Эркаклардаги хукмронлик хукуки куп хотинликни келтириб чикарди.

Феодализм даврига келиб эса, аёлларни хурлаш ва туткунликда саклаш кескин тус олди. Дин аёлларнинг ор-номусини ва кадр-кимматини тахкирлади. Христианлик эрнинг хотинига бевофолигини конунлаштирди. Хотинларнинг эрга хиёнати эса улим билан якунланди.

Буржуа жамиятига келиб эр – хотин уртасидан шарму хаё кутарилди. Эр – хотин уртасидаги инсоний муносабатнинг кадр – киммати пул билан улчанадиган булиб колди.

Бизнинг жамиятимизда никох ва оилани мукаддас деб караш анъанаси ёшларнинг кон – конига сингиб бормокда. Бир донишманд айтганидек, хеч ким никохга киришга мажбур этилмайди, аммо кимки никохга кирган экан, у никох конунларига буйсунишга мажбур килиниши лозим. Оилавий муносабатларда факатгина севги эмас, шу билан бирга

оилага нисбатан бурч хисси хам мухим роль уйнайди. Бу нарса севгини кучайтиради, оиланинг ахлокий негизини мустахкамлайди, узаро хурматга, муносабатларни ахлокий бурчга катъий риоя килиш асосига куришга ургатади.

Оила такдири учун хар иккала томоннинг масъулияти хакида гапирганда, шуни таъкидлаш лозимки, эр – хотиннинг ахлокий фазилатлари биргаликда яшаш жараёнида доимо такомиллашиб борадики, вафодорлик, узаро хурмат, хушмуомалалик, хамдардлик унинг энг мухим нормалари булиб колади. Шу сабабли оилавий муносабатларда пайдо буладиган зиддиятларни уз вактида эътибор билан хал этиш жуда мухим.

Оиланинг баркарорлиги куп жихатдан эр ва хотиннинг бир – бирини тушунишига ва бир – биридаги ахлокий фазилатларнинг кадрига ета билишига, биринчи навбатда, бир – бирини граждан сифатида хурмат килишига боглик. Оилада кулларча итоаткорликка хам ёки аксинча, турачиликка хам урин булмаслиги лозим. Эр ва хотин муносабатларидаги табиий хис ва маънавий умумийлик инсоний муносабатлардаги гузалликни, оиланинг мустахкам асосини ташкил этади. Бундай умумийликнинг булмаслиги хис – туйгуларни сундиради, оилани халокатга олиб келади.

Оила жамиятнинг энг кичик булагии сифатида муайян ижтимоий функцияларни бажаради. Булар куйидагилар:

1. Ахолини тулдириб – устириб бориш (бола тугиш) функцияси.
2. Моддий – хужалик функцияси.
3. Ёш авлодни тарбиялаш функцияси.

Мазкур функцияларнинг кулами ва ижтимоий узига хослиги, уларнинг узаро таъсири характери ва узаро буйсуниши конкрет тарихий шароитларга богликдир. Масалан ахолини тулдириб – устириб бориш функцияси оиланинг барча тарихий формаларига хосдир.

Оиланинг мустахкамлигини таъминловчи омиллардан бири моддий хужалик асосларини тугри ташкил этишни уз ичига олади. Бу вазифа икки

томонлама характер касб этади. Биринчидан, оиланинг моддий – хужалик асосларини ташкил этиш жамият олдидаги мукаддас бурч булса, (бу шунинг учун ҳам мукаддас бурчки, оилалар моддий жихатдан канча бакувват булса, жамият ҳам шунчалик тараккий этган булади) иккинчидан, бундай омиллар оила мустахкамлигининг гарови булиб хисобланади.

Оиланинг учинчи мукаддас вазифаси болаларни хар томонлама етук килиб тарбиялашдир. Чунки оилада туйгуларга бой муносабатлар, нозик хиссий таассуротлар куп булганлигидан, улар боланинг хиссийлари ва рухий сифатларига купрок таъсир курсатади. Оиладаги тарбия бенихоя узига хос белгиларга эга эканлиги билан характерланади.

Шундай килиб, кишиларнинг чукур инсонийлик билан сугорилган хулки куп жихатдан болаликда оилади олган «йул - йуриklarга», унга ургатилган одоб – ахлоқ коидаларига богликдир. Шахс характерининг шаклланишида, юкорида таъкидланганидек, энг биринчи ва энг якин намуна ота – оналар ва оиланинг катта ёшдаги аъзоларидир. Бундай оилаларда болалар билимга адолатга халкимизнинг энг яхши анъаналарига интилади, унда соглом характер шаклланиши учун зарур шарт – шароит яратилади.

Катталарнинг хулки хар кандай насихатларга караганда кучлирок таъсир курсатади. Болалар олдида бадфеъл, купол булиб, жанжаллашиш, сукиниш, гийбат килишдан, яна энг ёмони, уз сузига тескари иш килишдан эхтиёт булиш лозим. Бола буларнинг барини фахмлайди, эслаб колмаган такдирда ҳам, калбида из колади. Шу излардан, болаликдаги шу таассуротлардан унинг калби, виждони ва ахлокий кудратининг пойдевори шаклланади. Усмирлар ота – онасининг хатти – харакатлари ва одатларигагина эмас, балки уларнинг фикрлаш тарзига, мулохазаларига, ижтимоий вазифаларни адо этишларига, хуллас уларнинг бутун хаётларига таклид киладилар. Болалар учун улар энг мухим ахлокий мезон булиб хизмат килади. Сизнинг ахлокий идеалингиз? Деган саволга

хар унта талабадан еттитаси «Отам» ёки «Онам» деб жавоб берганлиги бежиз эмас.

Хуллас, бола кандай ёшда булишидан катъий назар теран хиссиётлар ва фикрларга, олийжаноб ва гузал харакат ва киликларга кодир инсондир.

3. Ахлокий тарбия кишига таъсир курсатишнинг онгли равишда ташкил этилган режали тизимдир. Ёки инсонни муайян ижтимоий-тарихий шароитларда ижтимоийлашган шахс сифатида хаётга тайёрлаш мақсадида унинг рухий ва ахлокий оламига курсатиладиган барча таъсирлар йигиндисидир.

Ахлокий шакллантириш масаласи хамма даврларда хам узининг актуаллигини йукотган эмас. Шахсни ахлокий жихатдан шакллантиришни хар кандай жамиятда икки асосий омил – объектив ва субъектив омил таъсирида вужудга келадиган мураккаб ва куп киррали жараён деб асослаш мумкин.

Этика фани объектив шарт-шароитлар билан субъектив омилларни диалектик алокадорликда олиб кайрайди ва белгиловчи ролни уларнинг биринчисига хал килувчи ролни эса иккинчисига беради. Объектив шарт-шароитларни абсалютлаштириш фанатизмга – инсоннинг ижтимоий жараёнларга онгли равишда таъсир курсатиш имкониятини рад этишга олиб келса, субъектив омилни абсалютлаштириш эса валютаризмга субъективизмга, ахлоқ тугрисида сафсатабозликка олиб келади деб кайд этади. Бундай килиш шахсни ахлокий шакллантиришнинг илмий системасидан воз кечиш демакдир.

Шахс, энг аввало харакат килувчи субъект сифатида майдонга чикади. Шахснинг хаёти фаолияти содир буладиган ижтимоий мухи тунга хам ижобий хам салбий таъсир курсатиши мумкин. У инсонда юксак хаётий идеаллар ва мақсадларни, хусусан, дунёни илмий тарзда тушунтиришни кучайтириши мумкин. Бирок шунингдек, шахсда нотугри тасаввур, тушунчалар ва дидларнинг шаклланишига асос булиши хам мумкин. Немис классиклари инсониятнинг тарихий тажрибасига таяниб, шуни

исботлаганларки, у ёки бу типдаги жамият шахс камолотининг муайян имкониятларини ёки бошқа томонларни ривожлантириш имконсизликларини вужудга келтиради.

Шахсни маънавий шакллантиришнинг илмий системаси инсоннинг уз куч-кудратини, зехн ва қобилиятларини фаоллаштиришга, унга тегишли маънавий хулқ-атвор ҳамда ахлоқнинг асл-моҳияти ҳақида ахлоқий билимлар беришгагина эмас, балки унинг ахлоқий эътиқодини. Идеалларини шакллантириб, уни ҳамиша узгариб турадиган ва хилма-хил шарт-шароитларда шахс сифатида узини қандай тутиш кераклигига ургатишга ҳам қаратилгандир. Тугри, уни ҳар бир ҳолатда тайёр андоза асосида иш тутишга ургатиш мумкин эмас, бундай қилишга зарурат ҳам йук.

Инсонни тарбиялаш, уни ахлоқий жихатдан шакллантириш, мураккаб ва қурқ қиррали ишдир. Бу вазифани амалга оширишда мавжуд жамиятнинг муайян ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан бир қаторда адабиёт ва санъат ҳам муҳим роль уйнайди. Адабиёт ва санъатнинг буюқ тарбиявий имкониятларини уз вақтида немис классик эстетикасининг намояндалари булмиш Гёте билан Шиллер қурсатиб утган эдилар. Ромен Роллан адабиёт ва санъатни ахлоқий соғломликнинг битмас-туғунмас манбаи деб ҳисоблаган. М.Горький эса узидеги энг яхши ҳислатлардан барчаси учун қитобдан миннатдор эканини бир неча бор айтган эди.

Хулоса қилиб айтсак, ҳар бир қишининг ахлоқий тажрибасига доимий равишда бойиб қориши керак булган ҳозирги даврда адабиёт ва санъат етук асарлар яратишгагина эмас, балки ахлоқан етук инсон яратишни ҳам узининг асосий вазифаси деб қилади.

Адабиётлар:

1. Каримов И. А. баркамол авлод – Узбекистон тараккиётининг пойдевори. Тошкент –1997 йил.
2. Узбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент – 1992 йил.
3. Тоштемиров У. Мукаддас оила. Тошкент –1977 йил.
4. Баранина Б. А. Севги, оила ва никох. Москва – 1963 йил.
5. Шоумаров Ш. Б, Шогуломов Г. Б. Мухаббат ва оила. Тошкент – 1994 йил.
6. Кайковус. Кобуснома. Тошкент – 1986 йил.
7. Юсупов Э, Исмоилов Ф. Инсон баркамоллиги. Тошкент – 1990 йил.
8. Усмонов М. Одобнома. Тошкент – 1991 йил.